


Ямин ҚУРБОН
БИР ШОДА ҚАЛАМПИР

Масаллар



Тошкент
Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1988

Ўз 2
К 80

Қурбон, Ямин.

Бир шода қалампир: Масаллар. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. — 72 б.

Чиқиш маълумотларидан авт.: Ямин Қурбан (Қурбанов).

Масалчилик — ўзбек адабиётида қадимий анъана. Ямин Қурбон ана шу ижодий жараённинг ҳозирги босқичдаги энг фаол иштирокчисидир. Унинг масалларида мамлакатимиздаги янгиланиш билан боғлиқ муаммолар ўзига хос йўналишда талқин этилади, ўқувчи уларда ўзини ўйлантирган ҳаётий масалаларнинг мажозий тадқиқини кўради. Мазкур китоб уларнинг сеvimли асарларидан бирига айланади, деган умиддамиз.

Қурбан, Ямин (Қурбанов). Связка перцев: Басни.

К 4702570200 — 175
М 352 (04) — 88 Доп. — 88

Ўз 2

ISBN 5—635—00206—4

© Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1988 й.

ЖОНКУЯР

Овул ортидаги ҳовузда тонг пайт
Этарди ўрдаклар сайри фароғат.
Сув ичгали келган Эшакка бу ҳол
Тикондек туюлди, ҳурпайтирди ёл:
«Э-ҳей, ялоқилар, уялинг бир оз
Тиниқ сувимизни қилгали ифлос!!»
Бу дўқ-дағдағадан бир гала ўрдак
Кўз очиб-юмгунча ростлади жуфтақ.
Кўриб қолиб сувда биттагина пат,
Олиб ташлагали қилди Эшак аҳд.
Аммо пат ушлогич бермай негадир,
Жиғига халачўп каби тегадир.
Унга сари Эшак қувишни қўймас.
Ахир, вей, йиқилган курашга тўймас.
Бора-бора ранги бўлди балчиқ тус
Тоғлар чашмасидек мусаффо ҳовуз.
Бу ҳолдан бошлари гангиб, чайқалиб:
«Мунча булғадинг-ей сувни, эҳ, аҳмоқ!»
Дедилар ўларга етган Бақалар.
Бўлди Эшагимиз кўзлари чақмоқ:
«Э-ҳей, вақилламанг сиз ҳар тарафдан!!
Ахир, мен ҳовузни тозалаяпман!!»

КЎРГУЛИК

Боқувда юриб хўб семирди Тўриқ,
Бўлди хўб билқилдоқ, илиги тўлиқ.
Чоғлаган эдики ишга эгаси,
Чақнади Тўриқнинг сокин чехраси.

Сўнами, арими олгандек чақиб,
Қочди у бир маҳал бошбоғин ғажиб.
Қочди у, қочди у қувгандек қассоб,
Юк тортиш кўзига кўриниб азоб.
У юртдан, элатдан олислаб кетди,
Хоҳиши олис бир ўрмонга элтди.
Ўрмонки, майсалар тизза бўйи, воҳ,
Тун қўнган дилларга ёққувси чароғ.
Айқин ўтлоқларда Тўриқ эмиб нур,
Кумуш булоқлардан симирди ҳузур.
Аммо бу ҳаловат чўзилмай узоқ,
Бўлди туғилибоқ ўлган чақалоқ.
Нега дейсизми-а? Ўтмайин ҳафта,
Қоплонми дарахтдан ташланди шартта.
Жон ширин туюлиб, кўтариб фарёд,
Учди у мисоли чиқариб қанот.
Қутилиб турганди зўрға балодан,
Ўрдан чиқдими ё тушди самодан,
Хўкиздек бир айиқ қилиб қолди даф,
Дарз солди Тўриқнинг юрагига хавф.
Чаққонлик қўл келиб, чап бериб яна,
Қочди у бахтими этиб тантана;
Қочди у, қочди у, қочди у жадал
Йиртқичлар ўргандек човига чангал.
Тилиниб неча ер, тигилиб туёқ,
Сарсону саргардон бўлибон узоқ,
Келди у охири топиб қозигин,
Оғудек ҳис этиб ўрмон озигин.

* * *

Гўлаҳ бўл туғилган элингда, ошно,
Бўлгунча ўзгалар юртида подшо.

МЕҲРИБОН ҚОТИЛ

Азмиддин ётарди, рамақда жони,
Раиғ-рўйи бамисли арпа сомони.
Яқинлар кирарди қилишиб иззат,
Чикшиар эдилар тилашиб сихат.
Баногоҳ эшитиб ётганин оғир,
Оҳ-воҳлаб, тушгандек тишига омбир,
Келди ҳол сўргали ошноси Тўйчи.
Келдию чўнг юкли туядек чўкди:
«Ҳайрият, ҳайрият, кўролдим тирик!
Дард қурсин, фарқ этмас каттами-кичик!
Бўгин-бўгинингдан гажир қуртдайн,
Қуритар мўрқондан чиққан дуддайн.
Бора-бора тушиб жонинг қасдига,
Тутар Арзоннинг темир дастига.
Десанг, куни кеча, қара-я, дўстим,
Уч уйда уч дардманд юмибди кўзин.
Воҳ-воҳ, елкаларда тобутлар қалқиб,
Дилларни олди нақ илонлар чақиб!
Чақалари ўқрар қилишиб нола,
Кўз ёшлари, десанг, худди шалола...»
Ваҳима тегибми қалбига ўқдек,
Азмиддин кўзлари чақнади ўтдек;
Чақнади кўзлари, муздек тер қуюб,
Хаёлан ўзини тобутда туюб.
Сал ўтмай тортгандек бўлиб ер танин,
Оғзи ланг очилди, қоқди энгагин.

КЕРИЛГАН КУЧАГА СИҒМАС

Нонушта тугади аллақачоноқ,
Сигналдан дарак йўқ, дарак йўқ бироқ.
Эгарлоғлиқ жийрон каби бўлиб шай,
Шоферин йўлига кўз тутди талай;

Кўз тутди кўнглига қанот ёйиб тун,
Нотинч кўзларидан сочилиб учқун.
Не бўлди? Нима гап? Тинчликмикаан-а?!

Ютгандек бўлди у гўё тиканак.
Телефон ҳам бузуқ бугун аксига,
Қалампир сепилди унинг хаспига:
«Эҳ, лаванг, тошбақа, банди гафлат,
Турсанг сал эртароқ, тепармиди дард!..»
Хотини жилмайди: «Ҳай, ўргилай чол,
Балки рўй бергандир бирон кори ҳол.
Оҳ-воҳлаб мунча ҳам бўлмасангиз дуд,
Ҳали ҳам, ҳа, бўлинг, автобус дуруст!»
«А?!! Узи каллами манов, Марзия!
Мен, ахир, кичкина одамманми-а!!
Куним автобусга қолдими энди,
Ахир, вей, кўрганлар, айт-чи, не дейди...
Махсус машинасиз юришим уят!
Шоферми, ўлса ҳам келишлиги шарт!»

КҮРНАМАК

Ниш отди чиққандек чақалоққа тиш,
Новдадан унди Ток топиб парвариш.
Бора-бора бўйи чўзилиб равон,
Бодринг палагидек шохлади ҳар ён.
Девор ошди охир бўлиб ҳавойи,
Торлик қилгандайин кўкарган жойи.
Хуш кўриниб қўшни ҳовлиси бирам,
Бўлди Ток ўсувда қулочи илдам.
Ҳосили мўллигин ул қўшни пайқаб,
Сўрига олди тез авайлаб, алқаб.
Бу ёқдан эмиб куч ҳам оби ҳаёт,
У ёқнинг кўзин Ток қувонтирди бот;
Баҳорий болдек ранг олиб ҳар гужум,

Сўри синдиргудек етилди узум:
«Омад-да, ўтдиму ростланди қаддим,
Бир шода гуҳардек эъзода қадрим».

* * *

Эҳ! Этиларди Ток аллақачон даф,
Агар наф кўрмаса эди у тараф.
Аламдир, тўйиб ўз элин нонига,
Қуйса сув ўзганинг тегирмонига!!

ҚУШ ОЕҚЛИ БУРИЛАР

Нимадир сирғилди, тейилди курси,
Куш уйқу Аҳмоннинг қочди уйқуси.
Турсаки кўнглига қўниб хавотир,
Уйини бир Ўғри титкилаётир.
Сездирмай ортидан ташланди шу он
Ташлангани каби дарахтдан қоплон.
Авж олиб олишув, тапира-тупир,
Ўғри гуп қулагач, босилди дувур.
Қўли баланд келган Аҳмон эса боз
Тепа кетди мисли дакани хўроз.
«О, бас қил, синдиёв уч-тўрт қобирғам!
Ҳеч бошга тушмасин бундай оғир дам. —
Деди Ўғри ихраб, бемордек толиб,
Тепкидан ўзини олисга тортиб. —
Билсанг, иккимиз ҳам элга бўримиз;
Иккимиз ҳам элнинг ҳаромхўримиз.
Фарқ шуки, мен — ўғри, тунги зағизғон.
Сен эсанг порада аждари калон.
Қара, нақ магазин, ҳаммаёқ башанг!
Ахир, қаердан бу бойлигу ҳашам?!
Чақир, хабар қил тез милицияга!
Тош теккай сенинг ҳам оч илигингга!

Мени-ку, шубҳасиз, ҳибс этурлар.
Сенинг ҳам бошингга шулар етурлар.
Негаки, бор-йўғинг хатлашур сўзсиз,
Ишингни терговга тахтлашур сўзсиз».
Бу гаплар мағизи этиб паришон,
Ҳадикли кимсадек қимтинди Аҳмон:
«Йўқол, йўқол тезроқ чиқармай даминг;
Қайта бу даргоҳга босма қадаминг».
Очилгандек бўлди тутқунга қафас,
Отилди кўчага ўғри шу нафас.
Аммо Аҳмон кўнгли кўланкаланиб,
Қолди қузғунларга гўё таланиб:
«О, бу ит биларкан бори сиримни.
Билар балки соққан ҳар сигиримни...
Билмаса, чопмасди бетга бу қадар.
А-ҳа, у оддий бир ўғримас, хатар;
Изимга қўйилган айғоқнинг ўзи,
Қилдан ҳам нозик бир қармоқнинг ўзи.
Эй, оллоҳ, тўлганда тўкилмай, сақла,
Мендек бир қулингга бўл темир қалъа!»

ИХТИЁРИНИ ЖАБР

Осмон қор эларди, эларди гуп-гуп;
Эларди супранинг унидек уюб.
Кезгилки минг бора, кўринмагай из,
Кўринмаганидек қобикда мағиз.
Тулки кўз очсаки жунжибон эти,
Қор чунон уряпти узилмай кети.
Кериша-кериша, тортиб ҳомуза,
Чиқди у лабидан сўлак томиза.
Йўрта-йўрта, ҳидлаб ҳавони бот-бот,
Думини бир маҳал ликиллатди шод.
У ён мўралаб у, бу ён мўралаб,
Шох девор тагидан ўтди ўрмалаб.

Боқсаки агрофга, ҳаммаёқ бўм-бўш.
Қаердадир бордек зираланган тўш;
Тўш ҳиди димоғин қитиқлаб бирам,
Татилгандай эди оғзига хуш таъм.
Қидира-қидира тўшни у шошиб,
Тушиди ошхонага туйнукдан ошиб.
Тўш шифтда, баландда турарди лекин.
Оқ урди тепмай у ўмармоқ эвин.
Шу пайт бир кўзача йўлиқиб ногоҳ,
Ут тушган чехрасин этди сўлим боғ.
Кўзни оларди соф, баҳорий асал
Ял-ял этиб жилва қилгандайин лаъл.
Аммо кўзачага сизмай калласи,
Зилзиладек қалқди кўнглин қалъаси.
Нафс ундар, лек сизмас калласи такрор!
(Эди кўзачанинг бўғзи бир оз тор.)
Жаҳд ила унналди илинжда бўлиб,
Унналди резина мисол чўзилиб.
Адашган чоғида қийналгандек кўр
Қийнала-қийнала бош суқди баъзўр.
Асални еди хўб яйрабон тани,
Кўзача туюлиб ҳузур маскани.
Сирғилмай бош сира ортига бироқ,
Тўлганди бўйинига тушгандек сиртмоқ:
«Воҳ, эсиз, бўлди-е тик бошим эгик,
Чиқарим ўйламай очибман эшик».

КОСИБ ВА ДУКОНДОР

(Ж. Лафонтендан)

Ишларди кун бўйи Грегуар кайфий
Уланни ванг қилиб бахшилар каби.
Ишларди, нўш этиб шароби қирмиз,
Кўлидан тушмайини сўзану бигиз.

Қўзни оларди у тиккан пойабзал,
Еқарди овози кўнгилни ҳар гал.
Ҳар маҳал эди у хўроздек хушнуд,
Ҳар маҳал эди у тўқу эғни бут.
Лек эртан қолмасди тонгани бугун,
Оддий бир овчидек кўрар эди кун.
Қўшниси эса зўр Дўкандор эди,
Жаҳонда йўқ моллар унда бор эди.
Аммо кечалари қоқмасди киприк,
Хавфдан мисоли бир жонсарақ кийик.
Қочарди эрта тонг дилидан гулув
Грегуар хонишин эшитибоқ у.
Бир куни чақирди майин товушда:
«Э-ҳей, чиқ, қилайлик бирга нонушта!
Қара-я, гумаштам сўйиб қўзичоқ,
Келибди жигарин қилиб қовурдоқ.
Қани, совимасин, чиқа қол, ука!»
Нонушта пайти у ташлади луқма:
«Тикмайсан. Гоҳ мумдек эриб оқасан.
Хўш, айг-чи, йилига қанча топасан?»
«Йилига?! Нималар деяписиз, тақсир!
Қайдан билсин мендек бандаи фақир».
«Хўш, унда, ҳар куни тушар неча пул?»
«Қунлик тушарин ҳам билмайман буткул.
Гоҳо кам, гоҳида мўлжалдан ортиқ.
Кўрмиш, дерлар, ҳар ким ризқига лойиқ».
Бундай соддаликдан кулди Дўкандор,
Кулди бўлиб унга юрагидан ёр:
«Мана, ол, юз тилла! Тиллаки, сара!
Вақт келиб бирон-бир кунингга ярар».
Иньом Грегуарни фалакка элтди,
Булутли бу олам ярақлаб кетди.
Тушдию уйига девордан ошиб,
Тиллани хилватга яширди шошиб.
Шу замон сезгандай оёқ шарпасин,
Аланглади ҳар ён чиқармай сасин.

Боғлиқ ит сингари жылмайин нари,
Теварак-атрофда бўлди назари.
Кеч кириб, токи тонг отгунча ётди,
Ваҳима уни ўз комига тортди.
Қимлардир девордан тушишиб лип-лип,
Кетишаётгандек тилласин шилиб.
Охири урдими миясига қон,
Грегуар югурди Дўкандор томон:
«Эй, мана тиллангиз, олингиз илдам!
Менинг шўх қўшиғу уйқимдир тиллам!»

НОДОННИНГ ҚИСМАТИ

Нокка ниҳоятда ишқибоз Саттор
Қади нок ниҳолин ўтқазди баҳор.
Қўз очсаки ниҳол, кўринмас осмон,
Қулоч етмас ёнғоқ худди соябон.
Кўрмайин ёз бўйи тангадек офтоб,
Бўлди баргларининг ранг-рўйи зардоб.
Йиллар ўтди, йиллар. Ҳамон зиғирак;
Шохлари мисли қил, бўйидир чиллак.
Кўрмагач ҳосилдан Саттор асар ҳам,
Хашаги ўт олди, елпиди алам:
«Бу, ўзи, нок эмас, жингилми, юлғин,
Ҳафсалам пирдир ҳар кўрганда турқин!
Эсиз шунча вақт, эҳ, шунча машаққат!!
Ниҳол бергани, эҳ, чақирсин лаҳад!!»

* * *

Нодонга ўз айби кўринса агар,
Тил тортмай ўладир ичгандек заҳар.

МАККОРГА МАКР

Гижинди сичқонлар такиллатиб тиш
Бурнига арилар урган каби ниш.
Аламлари, ахир, ўт олмас нечун,
Нечун дилларидан бурқсимас тутун,
Нечун гурурлари қилмас галаён
Қўшнилари бўлмиш Тулжитой олмон
Базм этса ҳар кеча якка бир ўзи?!
Наҳот агрофини илғамас кўзи!
Ёш-ёш товуқларни туширар миқ-миқ,
Товуқларки, воҳ-воҳ, этлари билқ-билқ.
Ўзгалар сўлаги оқмайдами, денг,
Ичаклари қулоқ қоқмайдами, денг!
Нафе фармонларин у дўндирар аъло
Шилиб сўйгаклардан чандирин ҳатто.
Ўзгалар тиш кирин сўраверсиними,
Тулжитой бир ўзи яйраб есинми?!
Сичқонлар қонида ўйин тушиб жин,
Қуриб олди ёвлик бошларига ин.
Айни уйқуга у этган чоғ сафар
Қуйруғин жаҳд ила қиймаладилар.
Кўрку таровати эди-да қуйруқ!
Юрганда кўзлардан ёғиларди суқ.
Куя тушган пўстак қилинибди, воҳ,
Улмай туриб тортмиш бағрига дўзах.
Зирапча киргандек нозик ерига
Ув тортди югуриб нари-берига.
Тўпланиб тумонат шу асно, шу дам,
Бу дардга мушукдир, дедилар, малҳам.
Мош отли бир мушук топилиб осон,
Тулжитойга тайин этилди посбон.
Тушиши биланоқ сичқонлар кўзи,
Писинди қўлтиқдан тушиб тарвузи.
Мош эса ақалли қарамади ҳам.
Ҳа-да, куни туғди, таоми там-там;

Тулкитой не еса, уники ярми,
Оҳ-оҳ, бирам созки товукнинг таъми!
Тулкитой сичқонлар йўқлигидан шод,
Тушида ҳам Мошни эгар бўлди ёд.
Бир куни зиёфат авжга минган чоғ
Сичқонлар чийиллаб қолишди ногоҳ.
Сакраб тушди сархуш Тулкитой олмон,
Кетига баногоҳ теккандек сопқон:
«Қачон қирилгай бу баттоллар, эй, Мош!»
«Азизим, солнинг сал қўйнингизга тош!
Қирон келтирганман барига мутлақ.
Булар кулбангизга эҳтимол қўноқ.
Бу жон озорларин ҳуркитмай туриб
Олгайман тез кунда ҳаспин суғириб».
Деди-да Мош шу дам эгибон бўйин,
Бошин ортга бурди қашинган йўсин:
«Гумдон эгганимда уларни бир-бир,
Менга бу фароғат қайдайдди, тақсир!
Яшасин сичқонлар, кутирсин баттар;
Рухингизга санчиб турсинлар ханжар!
Олсангиз улардан қанча хавотир,
Мен сизга шунча кўп кўрингум ботир».

ОЛАПАР ВА ҚАШҚИР

Тун. Қўйлар кўрада неча юз нафар.
Кўриқлаб ётарди олғир Олапар.
Қайдандир
Пайдо бўлди-да бир урғочи Қашқир,
Ишваю карашма қилди жилпанглаб:
«С, бу алп қомагинг кимни этмас жалб...»
Олапар огзининг тавоби қочди,
Думин ликиллагиб бағрини очди.
«Сезмайсан, сенга кўп келади раҳмим,
Ҳолнингга гоҳида ўрганар бағрим.

Аслида, билсанг-чи, қонимиз битта,
Ет товуқ сингари юрма-да четда!
Ҳа, сен ҳам ҳаётнинг сурсанг-чи кайфин!
Ахир, вей, қай жонвор билмас ўз нафин?!»
«Чиндан ҳам гапинг жон озиғи, дўндиқ...»
Қашқирга қилди у ер ўпиб қуллуқ.
Уйламай кетин,
Сўнг уни қўрага бошлади секин.
Қашқир эркаланиб, ўйнатиб думин
Қўйларга кўрсатди қиёмат кунин.

* * *

Баъзилар лақиллаб душман сўзига,
Чўн солур гуноҳсиз дўстлар кўзига.

ЭШАК ВА ТУЯ

Ейишиб яйловда шўраю янтоғ
Юарди Туяю Эшак бебошбоғ.
Бир-бирига икков қалин дўст эди,
Бери мағиз эса, бири пўст эди.
Эшак хаёлига келиб бир фикр,
Қулогин чимирди, этди сўнг зикр:
«Ошнам! Токай еймиз янтоғу шўра!
Бу ерда ивирсиб юргандан кўра
Саёҳатга чиқиб, қилайлик ялло!
Утирганлар бўйра, юрганлар — дарё.
Жон роҳатин биз ҳам билайлик, ахир,
Токай елкамиздан аримас яғир!»
«Тўғри, — деди Туя, — миянга балли!
Бу гапинг чиндан ҳам мағзи мазали!»
Йўрта-йўрта улар, олис кетдилар,
Тунда бир ажойиб боққа етдилар.
Шивирлади аста тамшаниб Туя:

«Бизларга жуда боп жой эканми-а?!»
«Нимасин айтасан, биродаргинам,
Анойи эмас-да, билсанг, худо ҳам!
Фароғатда ётиб еймиз беминнат.
Еймиз! Бу — бизларга аталган неъмат».
Тушира кетдилар икковлон бирдан:
Ноку олмалардан, узум, анжирдан...
Эшак ўбдан тўйгач, одати қўзиб
Қарнай пуфлагандек ҳангради чўзиб.
Унинг бад товшидан уйғониб Боғбон,
Боқсаки атрофга, ҳаммаёқ пайхон.
Тўқликдан очилиб Эшак чиройи,
Гулзорда қияпти роса хиргойи.
Туя эса чунон силкитиб бўйин,
Ажиб муқом ила тушяпти ўйин.
Буни кўриб Боғбон, асабий ҳолда
Туянинг бўғзига туширди болта.
Шўрлик Туя қулаб, узатгач оёқ,
Эшак миясида рақс этди таёқ.

ТАКА ИЛА БҮРИ

(А. Исаакяндан)

Атрофи ойнадек силлиқ чўққида
Енққигина Така эди уйқуда.
Такани мириқиб ейиш қасдида
Тирмашарди Бўри чўққи пастида.
Шу маҳал, десангиз, Така уйғониб,
Ушқирди маст буқа каби тўлғаниб:
«О, аблаҳ!! Бўлардим хурсанд жудаям
Ханжар шохларимни қорнингга санчсам!»
«Оҳ, қанийди, ўшал шохларинг ила
Қорнимга бутунлай кира қолсанг-а!..»

ҒАРОЙИБ ҲОЛ

Гуллар хандасига бўлиб маҳлиё
Ўлтирар эди бир кўзлари шаҳло.
Кўрдию уни шўх, жуссадор Ўғлон,
Дарёи кўнглида кўш урди тўфон:
«О, билмам, ўнги бу, эҳтимол тушим;
Эҳтимол кўнглидир бонга бахт қушим?!»
Сайратди Ўғлонни Қиздаги жилва:
«Эй, ой! Бошганидан соғумдир тилла;
Сочгумдир сен юрар йўлларга ифор
Мен ила сайри боғ этсанг ихтиёр».
«Ҳай-ҳай, бу қадар паст эмас баҳонм...»
«О, қурбонинг кетай, кечир хатоим!
Тут, десанг тутгайман мава шу кафтда,
Хўп, десанг, уйланиб олгайман шартта!
Таъбинг не тиласа, берайин тахтлаб,
Истасанг, қалбимни ол, майли, хатлаб!
Бўлгай мендекларга, эй, нозли дилдор,
Пешонаси ёрқин қизларгина ёр».
«Ким ботир, мен ана шунга тегаман,
Сиздақа хомсемиз, пўкни негаман!»
«Айт, қайси ботирни йўлда қўяй мен?!
Айт, қайси баттолни қонга бўяй мен?!
Е мендан қочсинми ҳамма ҳар тегон
Ортидан қувгандек аламли қовлон?!»
«Ғар кўрсам сизда шу журъатни аниқ,
Ризолик берардим бўлгали қайлиқ».
Бир нафас чурқ этмай ҳазл сурди-да,
Сўнг така сингари сакраб турди-да:
«Войдод!! Э-ҳей, ёрдам!! Одамлар, воҳ-воҳ!!»
Дея у шум Ўғлон қичқирди ногоҳ.
Сайр этиб юрганлар титрашиб қалт-қалт,
Чақнаб кўзларида хадикли ҳайрат,
Диллари сўкилиб нақ чок-чокидан,
Қочдилар қочгандек сув босқинидан.

Қаҳ-қаҳ урди Уғлон Қизга керилиб
Шодон кишнагандек қувончдан отлар.
Қиз эса йиғларди ичдан еврилиб:
«Эҳ, кўрқоқлар! Дард-из, гурусиз зотлар!..»

УҚКИ БИЛАН ҚУЁН

Дарахтдан шўнғиди емак қасдида.
Қуён питирлади Укки дастида:
«Ўҳ, вей, мунчалар ҳам ёвузсан!! Аҳ, дод!!»
Укки эса гўштин ютаверди шод:
«Яхшики кўрқоқсан, тобинг йўқ жангга,
Балки жанг қилмоқлик келмас каллангга.
Жаҳд ила олишар бўлсангми агар,
Бигиз тишларингдан ютардик заҳар.
Яхшики кўрқоқсан,
 учрадингми, бас,
Барра этинангдан ором олур нафс».

КАПАЛАК

(Ҳ. Зийдан)

Ногоҳ Чумолини кўриб Қапалак,
Бидирлай кетди нақ чалиб тартарак:
«Во, Болари-чи, ҳимм, теби йўқ-ишга.
Чучмал қилиқлари тегяпти тишга!
Билсанг, яқинлари бўлаяпти ёт.
Ахир, вначидек тараллабебод!
Болни бераётган у эмас, гуллар!..»

* * *

Янчил, эй, иғвога асирлар, қуллар!

КАЙФИДДИН

Қарзин қистовидан битди қулоғи,
Эшиги ёндорин кўчди сувоғи.
Қани энди юз сўм топила қолса,
Нокасниг чакағи ёпила қолса.
Бир этикка тиқиб икки оёғин,
Топасан, топ, деди ниқтаб бармоғин.
У эшикни қоқди, чиқмади садо,
Бу эшикни қоқди, чиқмади садо.
Суяк-суягидан ўтибми хўрлик,
Фалакка ёлборди Қайфиддин шўрлик:
«Э, худо, сийлавор бир сафаргина,
Бир сафарга кўнглинг тиламас кира...»
Қайфиддин уҳ тортиб бошин қашлади,
Сўнг гузар томонга қадам ташлади.
Кўрсаки, ётибди йўлда бир ҳамён.
Олди тез борлигин босиб ҳаяжон.
Очсаки, пул. Ҳа, пул! Санади бир-бир.
Санадию бўлди ҳафсаласи пир:
«Етмиш беш, атиги етмиш беш. Афсус!
Мен бечора, ахир, сўрагандим юз!!
Э, худо, беришга бердингу, бироқ
Сал уриб қолганинг бўлибди чатоқ.
Тўғриси, терсига айланиб чархинг,
Фирром дўкондордан қолмабди фарқинг».

ШАФТОЛИ

Воҳ, қаранг-а, авжи пишган чоғлари
Синар Шафтолининг ларзон шохлари.
Мана, бу йил яна худди шу аҳвол,
Топдилар шамалоқ шохлари завол.
Бунга Оличанинг ачишди ичи,
Ачишди қиргандек алам қирғичи:

«Эсиз, ўтин бўлдинг, тамомсан энди,
Ҳосилга зўр бериш бошингга етди!!»
«Умрим қисқартса ҳам берган неъматим,
Хушнуд бўлса басдир мендан элатим».

ВАЛАҚИ ТИЛ

Бор эди чунонам валақи бир Тил,
Аъзои тан эди ундан кўп хижил.
Ўзгандан ерди мушт касри Тил учун
Гоҳо Бош, гоҳо Юз, гоҳида Бурун...
Ортавергач ташвиш устига ташвиш,
Қишда муз шимгандек такиллади Тиш:
«Бас, етар, ўзни хор этамиз тоқай,
Сени деб азият чекамиз тоқай!!
Тоқай сен олову биз эсак пахта!!»
Тилни у омбирдек тишлади шартта.
Десангиз, парчинлаб шодликларин мунг,
Валақи Тилгина бўлди-қолди гунг.

БАРОҚЖОН ВА ҚУНДУЗОЙ

Урганган кўнгилни соя бил, ошнам,
Сояда не қилсин андиша, қарор!

* * *

«Бўлмасанг ёрим, эй, хушрўйи олам,
Ўзимни осаман ўзим қуриб дор!»
Дея тўлғанди нақ ютгандек олов
Қундузой оёғин ўпиб Бароқжон.
«Шилқимлик эвида! Қани, бўлма гов!»
«Ёнаяпман! Умрим қилмагил хазон!»
«Сув сеп аланганга, ёнма беҳуда,

Ёнма, қўй, бу истак бир пуч хаёлдир;
Сен ҳар дам қуруқда, мен эсам сувда,
Бирга яшамаклик амри маҳолдир.
Сув ила ўт қачон бўлмиш иттифоқ;
Қачон чиқишолмиш ойнак ила тош?!»
«Бу сўздан кўра ур бошимга таёқ!»
«Ахир, бил, сичқонлар бизга қариндош.
Сен эсанг уларга мисли бир ажал;
Кўринса, бас, шу он ютасан ғажиб.
Қовушсак, шу важдан қўзғолур жанжал».
«Эҳ, кетди бошимнинг қатиғи ачиб...
Бил, энди уларга кўзим олайтсам,
Кўр бўлсин бундай кўз!! Сўзимга инон!
Бугундан бошлаб, о, қора кўз санам,
Сенингдек азиздир менга ҳар сичқон!»
Ром этгач охири Қундузойни у,
Тўйлари бошланди кўл қирғоғида.
Рўёбга чиқиб у тилаган орзу,
Яйради очилиб гул димоғида.

Шу лаззатли дам

Бир сичқон кўриниб, хаёлин тортди;
Ўз бахтига ҳатто қилмайин карам,
Бароқжон унга шахт ўзини отди.
Қий-чув кўтарилиб, ҳамма тўзиди,
Чекка-чеккаларда кўз ёшлар булоқ.
Қундузой шилқ этди билмай ўзини
Бошига зарб ила тушгандек тўқмоқ.

МУТЕЛИК

Иўлакда мизғирди Този чўзилиб,
Бирдан кўтарилиб тарақа-туруқ,
Томири кетгандек бўлди узилиб.
Қарасаки, уриб юраги дук-дук,
Талвасада чопиб келянти Қўппак,

Нақ қувлаётгандек қутирган буқа.
«Э-ҳей, ўзи не гап?! Думингда челак?
Сувга кетяпсанми дейман қудуққа?»
«О, не дей, биродар, сўрама асло! —
Деди Кўппак тўхтаб. — Айтишга тил лол.
Вафодорлик бўлди бошимга бало,
Бўлмоқчи яна у умримга завол.
«Таажжуб?! Наҳотки?!»

«О... Бўлмасин ким,

Гус-ғусласа эгам, қопавердим мен,
Унга ёкмаганни ёқтирмай жиним,
Кун-бакун эътибор топавердим мен.
Олиб илигидан нечаларни, оҳ,
Тумшугу пайжамни қонга бўядим.
Ахир, вафо — бурчим! Қилмай деб гуноҳ,
Хўжам хоҳишини ерда қўймадим.
Нима ҳам бўлди-ю, бир куни биров
Хип бўғди-да, тепди ғиқиллатиб хўп.
Сўнг тиқиб оғзимга чўнг темир косов,
Қийратди тишимни чирқиллатиб хўп.
Қара-я, қолмагач қопишга қурбим,
Хўжамга, эҳ, бўлиб қолдим нокерак.
Энсаси қотиб у кўрганда турқим,
Охир қувди боғлаб думимга челак.
Додим кимга айтай, биродар, кимга?!
Кўрса ким кўргандек қўтир бир мушук...
Қалампир пуркалар яра бағримга!
Бўлган эканман хўп элатга шумшук».

У М Р

«Ёшингиз юздаю, не сабаб, ҳамон
Чақнар кўзингизда ёшлик назари?»
«Умрингиз бўстони кўрмагай хазон
Гар ўзни тутсангиз жоҳилдан нари».

МАЙМУН БИЛАН МУШУК

Узоқ бир оролда такрор ва такрор
Йўқолди жондорлар ҳаловатлари;
Бир-бирига дилдан ишонмай зиядор,
Бўлмади ўзаро саховатлари.
Бу тахлика тухмин қуригмоқ учун
Ўзларига раҳбар сайлар бўлдилар.
Бу таклиф инига ким солса тугун,
Гўрига гувала қалар бўлдилар.
Раҳбар сайламакка бўлишганда жам
Ҳар жон ўз ҳунарин кўрсатди бир-бир.
Келгач Маймунга гал, ўйнаб чунонам,
Этди йиғилганлар диққатин асир.
Билагон ва чаққон туюлиб Маймун,
Шаънига ёрилди олқиш жаласи.
Ахир, ундан қай жон бўлолсин устун,
Ақлу фаросатга кон-да калласи!
Қарабсизки, Маймун бўлди баковул,
Қарабсизки, ҳамма қўли кўксиди!
Лекин туриб Мушук қалбида довул,
Норозилик ўти ёнди кўзида.
Шу маҳал гўшт иси қайдандир келиб,
Мушук димоғини қитиқлаб кетти.
Бир синаб кўриш-чун қаддини эгиб
Маймунга у қуюқ манзират этди:
«Қани, зиёфатга марҳамат, тўрам!
Қутлуғ пойингизга меҳрим ноёндоз.
Бизда таомил шу: улуғ жон ҳар дам
Табаррук отадек этилур эъвоз».
Ич-ичидан Маймун таклифга эриб,
Мушук етагида яланиб йўртди;
Бутун ихтиёрин Мушукка бериб,
Неча-неча ўру тепадан ўтди.
Йўл юзида бирдан бир тилим ўпка,
Мени е, дегандек кўриниб қолди.

Мушук кўрмагандек термилиб кўкка,
Ўзини анқовлик кўйига солди.
Маймун эса отиб ўпкага ўзин.
Поққа тушди-қолди қопқонга шу чоқ.
Алам чинқиртирди мижғилаб кўнглин:
«Иўлиқтирдинг-ей не балога, оллоҳ?!»
«Шу бош била бизга раҳбармиш яна! —
Деди Мушук қайнаб. — Э, мияси пуч!
Ақлинг бўлганида, очиқ кўз била
Ўзингни балога қилармидинг дуч!»

Ҳ А Д И К

Газакка сур балиқ қолдиғин ғажиб,
Бўшалган шишани итқитди алжиб.
Ул шиша қанотми чиқарди, учди,
Кўшнисин бөшига зарб ила тушди.
«Э-ҳей, Обид пиён, ўлдилинг-ку, аҳ,
Жабри менгами-а сен суриб фараҳ!!
Ахир, қилдинг-ку сен ҳаммани безор!!!»
Пиён эса сапчиб бўйлади девор:
«У-ў, кечирадилар, Қулаҳмат ака,
Биздан беадаблик ўтибди яна.
Қанча сўксангиз кам, менгинага кам,
Арзир менгинани сўйворсангиз ҳам.
Ҳозир, денг, бош чунон гангияптики,
Кўзимга бир буюм кўринур икки.
Қанийди-я шу пайт бўлса бир қултум,
Бош оғриғини, о, қилар эди гум!
Кўпмас, ўн сўмгина узатиб туринг,
Ўлимга, денг, майли, боргум, буюринг!»
Қулаҳмат қимтиниб ёнини титди,
Ичи йиғласа-да жилмайиб сирти.
Пиён дўкон сари йўртгач ундириб,
Ингради бошин у тутиб, утилиб:
«Чайқов ишларимдан воқифсан-да, ит;

Сирларим қулфига сен мисли калит.
Гиншисанг бўлиб гоҳ илинжи хўрак,
Ташлаб турадирман шунинг-чун сўнгак.
Йўқса, ерга ишқаб тумшуқларингни,
Битталаб юлардим пату парингни».

ШАРОБ

«У-ў, азизим, шароб ичмайсиз нечун?!»
«Чунки у ақлимни ичиб қўяди;
Бўлсам-да мен агар нуқрадайин ун,
Супириб ташланган гардга йўяди».

БУЛМАГАНГА БУЛИШМА

«И-е, хўш, нима гап, юзларинг заха?!
У-хў, даҳанинг ҳам бўлмиш дабдала! —
Ажабланди Тошбек Зокирни кўриб. —
Пўла қилибдиёв кимдир хўб сўқиб».
«Э, асти сўрама, биродаргинам,
Лаънати йўлтўсар қуритди тинкам».
«А, қаерда?!» «Ини — Бўзсув кўприги.
Ташланиши ўхшар худди бўрига!
Зим-зиё бўлади борингни шилиб,
Пати юлинган бир зогчадек қилиб.
Мен эсам, на илож, юрар йўлим шу.
Ишдан қайтар чоғим дилимда ғулув».
«Ҳимм, шундайми!! Майли, тортмагил ташвиш,
Биз ҳам уларга бир кўрсатамиз иш.
Кутаман, кечқурун ҳовлига келгин,
Уқалаб қўямиз биқину белин...»
Важи не, билмадим, келмади у лек.
Охири бир ўзи йўл олди Тошбек.
Кўприкка етмай сал паналанди у,
Ўз-ўзидан жангга чамаланди у.
Наридан шу маҳал кўринди биров.

Ов дардида унга биров бўлди гов.
Ов қилди, тўнади ўқталиб ханжар,
Жўнатди сўнг ташлаб уккидек назар.
Қарасаки Тошбек, Зокир келяпти,
Лочиндан қочган қуш каби еляпти.
Шошилини чикди-да эмаклаб йўлга,
Зокирга ўзини танитди зўрга.
Урнида Зокирни қолдирдию у,
Югурди бамисли бўлиб тошқин сув.
Кўприкка етмайин хонишга тушди,
Чўянга айланиб тирсаги, мушти.
Шу пайт, денг, бир кимса бўлди-да пайдо,
Тошбекка тикланди мисли аждаҳо.
Тошбек эса мастдек галдираб туриб
Мункитди қорнига зарб ила уриб.
Шахт ортга қайириб иккала дастин,
Олди хўб тепкилаб кўпларнинг қасдин.
Энди бу баттолни кўрсин, деб, Зокир,
Судраб келди уни бўлса-да оғир.
Аммо, қарангки, воҳ, Зокир эса йўқ,
Жуфтакни рўстлабди у қўрқоқ, у пўк.
Тирноғига қадар титратиб бу ҳол,
Бошин эгди Тошбек мисли мажнунтол:
«Бўлмаганга, эй, дил, бўлишай, дема,
Сузиб бўлмас ясаб қоғоздан кема».

ЧАТОҚ

Ҳақбек Омонтойга чаплади қора
Нопок қилмишларин қилиб ногора.
Инкор этолмагач қатор далилин,
Омонтой ноилож тишлади тилин.
Мажлис аҳлига у бир-бир мўлтираб,
Тавба баёнини қилди гўлдираб.
Кўл келиб тавбаси, ҳалимланиши,
Ўтди изғиринсиз ҳам қорсиз қиши.

Дил-дилида гараз болалаб лекин
Ҳақбекнинг кетига тушди у секин.
Илондек чаққали берибон таъзир,
Қидириб кўрди хўб тирноғидан кир.
Илинмай домига аммо чибин ҳам,
Ичини мушукдек тирнади алам.
Таъқиб этиб охир ҳафталаб, ойлаб,
Тош отди панадан йўлини пойлаб.
«Воҳ!» дея манглайин ушлади Ҳақбек
Боши гир айланиб чархифалакдек.
Бу камлик қилгандек тош отди тагин
Чарақлаб Омонтой кўзида чақин:
«Билиб қўй, бу — хамир учидан патир:
Ювасан ҳали кўп совунимга кир».

БАЛИҚ БОШИДАН...

Оқарди жўшиб нақ айтгандек алёр,
Бола кулгисидек беғубор анҳор.
Чўғга тутгим келди бир ўсмир танин
Кўриб сувга ахлат тўкаётганин.
«Қўй, бунда не гуноҳ, бу ҳали хамак. —
Бошин чайқади бир Йўловчи амак. —
Улоқда не айб гар кемирса пўстлоқ.
Қилгай, ахир, эчки қилганин улоқ!
Қай маконда, қай пайт, айт-чи, ким кўрмиш.
Тўти мусичадан учирма бўлмиш?
Фаҳми етганга эл нақли эрур дарс:
Бош киши қай тарзdir, пойнак ҳам шу тарз».

ДА В Л А Т

«У, Сувон, мунча ҳам ҳаволанмасанг,
Бош қимтиб қўясан саломга аранг!
Нақ ҳамма гадою битга сен боён,
Нақ сенинг орқангдан ҳамма еяр нон!»

«И-е, о, Мажидтой, баланд-ку ҳовринг,
 Унгиданми дейман шу кунда овинг!
 Пулинг кўнайиброқ қолганов чоғи,
 Санар пулдор ўзини элнинг қаймоғи.
 Негаки, пул билан қўл узун, ахир,
 Киманки кўп экан, санашайлик бир!
 Хўш, қани, қанчага етаркин чоринг,
 Тушсанг тарозуга, борми салмогинг?
 Ботмон келмас, дерлар, семирса чумчуқ».
 «У-ҳў!!! Қўй, яхшиси, кўтарма тумшуқ.
 Бил, саёз ариқлар кўпириб оқар,
 Дегайлар, мақтанчоқ қулоқни қоқар».
 «Бас! Келтир гузарга бойлигинг бутун,
 Қани, сен устунми ёки мен устун!
 Қилли қирқ ёргичлар, холисанилло,
 Кўришсин, санашсин, беришсин баҳо!»
 Шундай қилиб икков уйига йўртиб,
 Бир маҳал келдилар гузарга бўртиб.
 Сувонинг қўлида бир жомадон пул,
 Пулки, ваҳ, эллыгу юзгалик нуқул.
 Мажидтой эса жим босилган ундек,
 Жилмайиб турарди очилган кундек.
 Гап неда, англашиб гузардагилар,
 Мажидтойга аста ташлашди назар:
 «Энди сеникини кўрайлик, иним,
 Ҳақиқий давлатманд, қани, экан ким?»
 Ишора қилди у тахта сўрига,
 Ундаги популдек қизу ўғлига.
 Ҳақ тарозусида тортилди шу он
 У ўғлу қиз билан пулли жомадон.
 Енгил келиб, ҳай-ҳай, мисоли хашак,
 Жомадонли палла бўлди нақ лайлак.
 Сувон, денг, тўлганиб оҳ урди ногоҳ,
 Кўксини тилгандек заҳарли яроғ:
 «Экан, эҳ, фарзандли давлати баланд!
 Давлатим — пул, дея, охир едим панд!!!»

ДАРД

Даладан боғ сотиб олди бир хоним,
Соф ҳаво, деб, менинг ҳузури жоним.
Бу боғ хуш туюлиб Мушугига ҳам,
Чарвига тўйгандек яйради хуррам.
Тонгда у эшитиб булбулнинг сасин,
Тебратиб қолди-ку бирдан калласин:
«Ваҳ-ваҳ, мунча ширин! Э, қойил, балли!
Гўшти товшидан ҳам шириндир балки...»

АЛАМ

Очсаки кўзини уйқудан Асқар,
Боғда айтаётир Бедона лапар.
Лапарки, шўхлиги — тоғлар чашмаси,
Қўнгилга нур пуркар ширин нашъаси.
Нашъасидан Асқар симирдими завқ,
Тўлғанди бўлибон димоғи чарақ:
«О, мана тезотар, бир отга арзир!
От не, бергувсиздир дурга, беназир!»
Бу ҳол туз сепгандек тилиб товонин,
Қийқиртди қайнатиб Курканинг қонин:
«Муштдек қушга шунча ардоқми, тентак,
Биз сайраган чоғлар отилур кесак...»

ҚОБИҚЛАРДАГИ ҚУРТЛАР

Баногоҳ таралди ўрмонда садо:
«О, даҳшат! Жигарлар, келмоқда бало!
Балоки, бир гала қизилиштондир,
Ҳар бири вабодек горати жондир!!»
Қоча бошладилар қуртлар шу маҳал
Қобиқлардан ҳарён ўрмалаб жадал:
Боқмай талвасада на ўнг, на сўлга,
Қоча бошладилар қолгандек дўлда.

Ҳақдан қочгувсидир қилмиши лойқа,
Тоб бермиш қайда нур тигига соя.

ҚАЙИҚЧИ БИЛАН УҒРИ

Соҳилга тушдию бадқовоқ Уғри,
Боқди Қайиқчига боққандек бўри:
«Вақт тигиз, ишга сол ҳунарингни бот.
Бил, кира ҳақингни тўлайман зиёд.
Кўлнинг у бетига элтиб қўйсанг бас».
Боричдан ечилиб қайиқ шу нафас,
Сахий йўловчига хумордек кўпдан,
Силжиди ўлжасин қувгандек чўртан.
Қайиқчи этаги ҳилпираб елда,
Кўришиб қолди пул бэрлиги белда.
Уғрининг кўзлари чақмоқланиб нақ,
Мушукдек суйканди бўлибон илҳақ.
Бу сир Қайиқчига сезилиб қолди,
Қони жўш урдию тарсаки солди.
Олишув авж олиб кетдики чунон,
Кўл ичра бамисли қутирди тўфон.
Уғри Қайиқчини йиқиб оқибат,
Гарқ қилмоқ кўйида улоқтирди шахт.
Қайиқчи кетдию қундуздек шўнғиб,
Тўнтарди қайиқни остидан сўқиб.
Уғри, денг, баногоҳ йиқилиб чалқа,
Чинқирди рўбарў келгандек лаққа.
То унинг ўзига келгунча ҳуши
Қайиқчи қайиққа ўлтирди, сурди.
Кўлнинг ўртасида қолганин кўриб,
Уғри сочларини юлди ўкириб:
«Қанча балиқларни еганман яйраб.
Энди ерлар мени балиқлар талаб».

Бу ҳолни Қайиқчи кўрдию кулди,
Газанда қопқонга тушган туюлди:
«Дегайлар, шакаринг бўлғувси заҳар
Тушган кемангда гар қўзғасанг хатар».

БАТТОЛ

Нечалар танига етказиб шикаст,
Гурур шаробидан Чаён бўлди маст.
Ҳарбий машқ бошлади шундан сўнг тигиз.
Жон зотин қулдайин чўктиргали тиз.
Узини фаҳм этиб юрт саркардаси,
Думи гажакланди ўйнаб найзаси.
Гоҳ у ён, гоҳ бу ён селпинди сакраб,
Ёнгиндек қутуриб қонида газаб.
Машқ чунон авж олиб кетдики, воҳ-воҳ,
Найзаси санчилди бошига ногоҳ.
Тўлғанди найзанинг заҳридан баттол,
Тирик қолмакликни қилибон хаёл.
Лек ўқ қайтмагандек отилса агар,
Питради қўрга у қорилган қадар.

* * *

Ҳаёт ҳақ, ҳарким ўз феълидан тенар,
Дерларки, ўт билан ўйнашган ёнар.

ҒАРАЗ

Ҳаққул кўтарилди истеъдоди-ла
Ижодий уюшма раислигига.
Бундан Мухбирийнинг ўчдию қути.
Фалакка ўрлади пинҳоний дуди:
«Фу, тавба, шу ҳам иш бўлдимиз, тфу!
Ай, раҳбарликка у ҳали гўра-ку!!
Яқинда судралиб юрарди зўрга,

Энди эса, ҳай-ҳай, бизларга тўра!
Езда келганидек худди қаҳратон:
Худди арслонларга султондек сичқон!!
Ғўрларга бу қадар ишонч — беҳуда,
Ахир, чўнг ишни ғўр қилолмас уdda...»

* * *

Тош отманг пучмоқдан, бадбин хаёллар,
Кесилиб кетди сиз суянган тоғлар!

БАЧКИЛАРНИНГ АЙЮХАННОСИ

Ейди томирларин бўй чўзиб Чинор,
Бўй чўзиб бамисли кўкўпар минор.
Ташлаб олисларга кўланкасин у,
Бўғди меваларни туширмай ёғду.
Бу ҳол боғбонларни қилгач безовта,
Уриди Чинорнинг тубига болта.
Шу дам, денг, ўкрашди қилиб нолалар
Тагидан бачкилаб чиққан новдалар:
«Эҳ, эсиз, йиқдилар ўйламай-нетмай,
Улуғ бир дарахтнинг қадрига етмай!!
Эҳ, йўқ улуғларга бизда ғамхўрлик!!
Бу, ахир, қипқизил нодонлик, кўрлик!!»

НОРТУРА

Нортўра ўзича бошқарарди иш,
Димоғи бўй чўзиб мисоли қамиш.
Тўсатдан ишлари бўлгач коптиков,
Ешланди кўзлари бўлгандек тумов:
«Текширинг, азизлар, титкиланг бир-бир.
Бўлуғ нур бор ерда соя ҳам, ахир.
Рости, айрим шахслар қилмоқдалар хит,
Эркин яшашингга берар халақит.

Дод дегим келар нақ кўнгил ғашликдан,
 Тинмас, ахир, улар ёзмакашликдан!
 Ҳаммангиз бир илдиз, бир томир, дерлар,
 Керак суғиргали зўр омбир, дерлар.
 Ҳўш, не айб жамласам уруғ-аймоғим?!
 Бири билагимдир, бири бармоғим.
 Бир-бирига бари аҳилу сирдош,
 Ишлар бир ёқадан чиқаришиб беш.
 Ҳўш, бунинг нимаси қонунга хилоф?!
 Ёзмакашларда йўқ заррача инсоф!!
 Пашшадан фил ясаб йўллашади хат,
 Ҳа, кавланаверса, қурийди дарахт!»
 «Шахсий корхонангиз экан-да бу жой,
 Ўзгага ювинди, ўзингизга мой...»
 «Ҳай-ҳай, сал паст тушинг, кўпирмангиз кўп,
 Кесак ўрнига нақ отаяпсиз тўп.
 Уч-тўрт майда гап деб қойинманг, ука,
 Улар шабнамни ҳам, дегайлар, қуйқа.
 Ҳа, ў!! О, во, ким бор, ў, юраккинам,
 У, гир-гир айланиб кетяпти миям...»
 Шифохона сари узатилгач у,
 Тақа-тақ тўхтади ишин текширув.
 Қорлар ёғилиб-ей, босилдими из,
 Ҳиринглаб қўйдилар қаҳрамонимиз:
 «Овора бўлма, эй, йиқмак оҳида,
 Мен баргидаман, сен бўлсанг шоҳида!»

ҲУКИЗЛАР ҲАМДА АРАВА УҚИ

(Эзопдан)

Кетардилар гоҳ суст, гоҳида йўрға
 Чўнг юкни тўртишиб Ҳўкизлар йўлда.
 Тўнғизга теккандек тошкўмир чўғи
 Чийиллаб қолди-ку арава Уқи.

Хўкизлар шу замон ортга қарашиб,
Дедилар кўзларин тигдек қадашиб:
«Мунча полнийсиз-е куйиниб, тақсир,
Оғирлик бутунлай Сизда-ку, ахир!»

НАЙНОВ ИЛА ПАКАНА

Икки хеш сўқмоқдан борарди яёв,
Бирови Пакана, бирови Найнов.
Топиб олди ердан Найнови болта.
Ҳай-ҳай, иш юришса шу-да, омад-да!
Сигмай Паканасин ичига қувонч,
Қийқирди турнадек ёйибон қулоч:
«Бу — бизга худонинг инояти, ҳа!
Вей, не топилса, бил, ўртада арра».
Шу пайт, денг, болтасин йўқотган одам
Чопиб келётгани кўринди ортдан.
Найнов не қиларин билмай аърайди:
«Бу хижолатпазлик бизга қайдайди!!»
Чатнади Пакана боқиб ғаразли:
«Бизгамас, сенга бу хижолатпазлик!
Болтани, ахир, сен олгансан толиб!
Ойни этак ила бўлурми ёпиб!»

ПАШШАЛАР

Эҳ, эсдан чиқибми, ёпилмай тувоқ,
Оғзи очиқ қолди болли қўшқулоқ.
Қайдандир Пашшалар келишиб бир-бир,
Бибисин уйидек қилдилар нажир.
Қоринларин лиқ-лиқ этишгач ўбдан,
Яйрашди завқ ила айтишиб ўлан.
Етгандек улар нақ армонларига
Кетмак бўлдилар ўз маконларига.

Аммо қўзгатолмай оёқларини,
Дод дедилар тишлаб бармоқларини:
«Бир нафаслик ҳузур ҳушимиз олди,
Ширин умримизни оғуга қорди!»

ЧИБИН ИЛА БУҚА

Буқа мугузига қўнди-да Чибин,
Узоқ вақт ўлтирди олгандайин тин.
Бир пайт тиш қуртидек гивирлади у,
Буқа қулогига шивирлади у:
«Турайми ё кетай, ўргилай полвон?»
«Тўғриси, билмайман, келдингу қачон,
Кетгайсан қай маҳал, эртами ё кеч;
Сенинг бор-йўқлигинг билинмагай ҳеч».

БОЛА ИЛА УТКИНЧИ

Бола кенг анҳорда чўмилатуриб,
Ғарқ бўла бошлади дармони қуриб:
«Э-ҳей, ёрдам!!» дея қичқирди нолон
Бир Уткинчини у кўриб ногихон.
«Эҳ, ўйламадингми тушардан олдин
Тез оқар сувларнинг тилсиз ёвлигин!
Эҳ, нодон, ўйланмай қилинган ҳар иш,
Билиб қўй, кишига келтирур ташвиш!»
«Аввал қутқаринг, ў кетяпман чўкиб,
Сўнг, майли, сўкингиз заҳрингиз тўкиб!»

ШЕРБОНУ ҲАМ ТУЛКИНИСО

Нажирда Шербону ҳам Тулкинисо
Ғаплашиб қолишди тўрда ўзаро.
«Маликам, кўнгилга олмангу оғир,
Авжи туғадирган вақтингиз ҳозир.
Тўғриси, жуда оз, ҳа-ҳа, жуда оз,
Йилда биттагина туғасиз, холос.

Менда бўлганида сиздаги жусса,
Туғардим ҳар йили камида юзта».
Шербону селпинди: «Тошгинангни тер!
Мен битта туғсам ҳам шер туғаман, шер!»

ЭШАК ИЛА ИТ

Гоҳ куйлашиб, гоҳ айтишиб эртақ,
Овулга қайтарди Ит ила Эшак.
Кўрсаларки, йўлда бир хат ётибди,
Қимгадир кўз тутиб маҳтал тортибди.
Эшак уни ол-а, ўқишга тушди.
Итнинг эса бундан кўнгли увушди.
Мол ризқи ҳақида борад эди гап.
Хашагу сулидан Итга нима наф!
Бетоқат бўлиб у гингшиди охир:
«Суяк ҳақида ҳам, кўр-чи, гап бордир!»
Хат кўздан ўтдики неча бор, аммо
Итнинг хоҳишига чиқмади садо.
Шундан сўнг пир бўлиб Ит ҳафсаласи,
Кўл силтади қолмай хатдан тамаси:
«Э, фирт бемаънилиқ, кетдиг-е, ўртоқ;
Бунақа хатларга садқан қулоқ!»

ТУРНА ИЛА ТОВУС

Хаволантирдими жилвагар патлар,
Ташлади Турнага Товус ним назар:
«Мунча кўримсиз-е патларинг, жўра,
Чувалган бўйра соз булардан кўра...»
«Бўлса-да кўримсиз, бўлса-да кўрксиз,
Шул патлар ила мен эрурман тўкис;
Парвозим баланддир шул патлар ила,
Ҳар бири мен учун гавҳару тилла!
Тўғри, сенинг патинг ўта ялтироқ,
Кўкда уни ҳеч ким кўрмаган бироқ».

АНТИҚА ОВЧИ

Овчи Утинчини кўриб қолдию
Упкасини қўлтиқлаб сўроқлади у:
«Кўрмадингизми-а ҳеч ерда, бобо,
Арслон изин ёки инин мабодо?»
«Яхшиси, мен сенга, ҳозир, болакай,
Арслоннинг ўзини кўрсата қолай».
«Э, йўқ, — деди Овчи қалтираб тизи, —
Керак унинг фақат ини ё изи».

ҚАШҚИР ҲАМДА ЧУПОНЛАР

Чўпонлар оларди, оларди ором
Утовда гўштхўрлик қилишиб оқшом.
Қаердандир буни кўрдию Қашқир
Афтин буриштирди ичгандек чағир:
«Шу ишни мен қилсам, қолдирмай омон,
Тиқар эдиларинг теримга сомон!!»

ҚАРҒА ВА ТУЛКИ

(Лессингдан)

Урди деворларга бошини қушбон
Аламдан қонида қутириб тўфон.
Ахир, еб қўйибди кўшни мушуги
Ипак тўрлардаги там-там қушини.
Ундан қутилмакнинг тушиб кўйига,
Аланга олди ўч фикру ўйида.
Қайғудан боз унинг қаҳри уриб жўш,
Қўйди дом ўрнида оғуланган гўшт.
Гўшт насиб этмайин мушукка, э-воҳ,
Илди-кетди Қарға кўнгли бўлиб тоғ.
Егали қўниб у дарахтга аста,
Кўрсаки, Тулкихон эланар пастда:

«О, тангрим йўллаган марҳаматли зот,
Хуш келгил, қувонтар келишинг бот-бот!»
Этди бу манзират Қарғани ҳайрон:
«Кимга ўхшатылсиз мени, бекажон?»
«Кимга ўхшатардим, фариштагинам,
Сен, ахир, ғариблар дилидаги шам;
Сен, ахир, очларга очиқ қўлли дўст,
Улашгувчидирсан ҳар дам ризқу рўз.
Ризқ олиб келибсан, мана, ҳозир ҳам.
Йўқ ҳатто Ҳотамда бундайин карам».
Мақтовдан Қарғанинг эрибми қалби,
Улжасин узатди садақа каби.
Тулки уни ол-а ликиллайтиб дум,
Урди жиғилдонга ўтказмайин зум.
Сал ўтмай кўрсатиб кучини оғу,
Тутқаноқ тутгандек питирлади у.

* * *

Эй, сиз, хушомадга суяксиз шахслар,
Тириклик ҳайф сизга, лозимдир заҳар.

ЮМРОН БИЛАН МУШУК

Мушукка кўриниб қолди-ку Юмрон
Кўрингани каби айиққа асал!
Маккор илондайин ўрмалаб пинҳон,
Ўтлар орасидан ташлади чангал.
Лек Юмрон шўнғиди инига илдам
Бақа шўнғигандек ҳовуз тубига.
Алам қилдики, ваҳ, Мушукка бирам,
Оташ пуркади нақ кимдир думига.
Кавлай кетди аммо инни умидвор
Тасаввур этиб у ўзини буюк.
Қарасаки Юмрон, қақшагувси зор,
Бостириб кирапти бешафқат Мушук!

«Э-ҳей, — деди фармон оҳангида у, —
Тирик тутинглар-да, ўйинглар кўзин!!»
Бирдан тушиб Мушук қалбига ғулув,
Тирақайлаб қолди ит қувган йўсин:
«Йиртқичлар ўрдаси эканми, ҳай-ҳай,
Ҳозироқ аридек дув талашади!
Эҳ, калла, йўл кўрсат, қайга биқинай,
Тутиб олишса гар, бурдалашади!»

* * *

Дерларким, қўрққанга қўша кўринар,
Кўрингани каби қўйга бўрилар.

БИРОВНИНГ ЮТУҒИ

(М. Корюндан)

«И-е, ҳа, тинчликми?! Маъюссан, ошнам?!
Ў-ҳў, тишларинг ҳам гижирлаяпти!
Не гап ўзи, айтгил, қай гўрдаги ғам
Бағрингга туз сепиб миждилаяпти?!
Ё келмаяптими шеърингга навбат?
Ё оғрияптими бирон бир еринг?»
«Йўқ, йўқ! Билсанг, мени қийнаётган дард
Сенинг бугун чиққан шоҳона шеъринг...»

МУШУК БИЛАН КАПТАР

Фалокат чиқибми оёқ тагидан,
Мушук чангалига илинди Каптар.
Ёрмак бўлиб унинг биққа бағридан
Атрофга пинҳона ташлади назар.
Ҳаёт лаззатидан узмайин мурод,
Ночор мўлтиради Каптар шу нафас:
«О, қудратли ҳакам, улуғ зурриёд,
Мени емаклигинг, бил, ҳам қарз, ҳам фарз.»

Негаки, ризқингман, йўллади худо.
 Шукрона қил унга ҳиммати учун.
 Десанг, ҳимматидан бўлмайин жудо,
 Қилгил ҳаққига сен дуони узун...»
 Тойлоғи эмганда ийгандек сигир
 Ийиб кетти Мушук, кўзда филт-филт нам;
 Фалакда кўргандек аллақандай сир
 Оҳиста шивирлаб бўйнини этди хам.
 Худди шу ҳолатни истаган Қаптар
 Парт этти, лочиндек кетди осмонлаб.
 Мушук аламидан ичгандек заҳар
 Ғамнок биғиллади ҳўнграб, ёмонлаб:
 «Э-ҳей, шайтонга дум, қочоқ, ярамас!!
 Ахир, ризқимсан-ку, оллоҳ инъоми!
 Қилгайман ҳимматли оллоҳимга арз,
 Тушгай оёғингга ажалнинг дори!!»

ТУНҒИЗ ТАБИАТ

Чорбоғ этагида етилди гилос,
 Гилоски, ҳар бири кўзни олгудек;
 Ҳар бири ёқутга қиёс,
 Ҳар бири бол каби тилни ёргудек.
 Кўриб қолиб уни
 юлқилай кетти
 Нафсига банда бир дўмбира қорин.
 Чиқиб сўнг устига
 силкитди, тепди
 Тўлдирмак бўлиб у нафсининг қопин.
 Тепкидан,
 силтовдан шохлари синди,
 У эса мевасин юлқир ютоқиб.
 Сал наридан шу дам кимдир тепинди;
 Тепинди куйиб, тутақиб:
 «Ҳай, инсофинг борми, пича ҳаё қил!

Кўқартирганман-а мен уни аранг...»
«Во, мунча бўлмаса сўзларингиз зил!
Бўлди-е, кетяпман, бобиллайверманг!!»

ШЕР БИЛАН КИРПИТИКОН

Жондорлар Шербекка кўпдан таъзимда,
Пайгамбарига нақ таъзимда уммат.
Ахир, билинг-да, Шер зўр-да, азим-да,
Мўрт юраклар бўлгай кўрганда сурат.
Аммо Кирпитикон бургут мисоли
Шер тугул, Филга ҳам қилмас эътиқод.
Доим илон тутмоқ бўлиб хаёли,
Учарди хаёлан чиқариб қанот.
Шерга бу, ким билсин, қилганми алам,
Асабига игна санчилди пўрт-пўрт.
Урмон жондорлари бўлганида жам
Қақшай кетди сочиб кўзларидан ўт:
«Ҳайронман Кирпига, ҳайронман жуда
Урмон чаманлари кўринмаса хуш!
Ҳайронман Кирпига, ҳайронман жуда,
Узгалар шодону у эса хомуш.
Қаранг, Айиқ полвон еяр, еяр бол,
Таҳликадан йироқ, юрар семириб.
Қаранг, Тулки махсум қаддин қилиб дол,
Жамики жонворни еяр ийдириб.
Қаранг Олмаҳонга, сакраб шохма-шох,
Енғоқ териб юрар чаққон, ораста.
Қаранг ҳақкаларга, неданки огоҳ,
Келиб қулоғимга айтишар аста.
Қаранг савваларга, гулдир ҳаёти,
Ҳаёт нашидасин куйлашур тинмай.
Хуллас, паррандаю дарранда зоти
Яшай олмас бунда кулмай, севинмай.
Кирпи-чи, севиниш ўрнига фақат
Аччиқланади... Ҳа, доимо тажанг.

Жондорлардек яшаш ўрнига ҳар вақт
Илонларга қарши қилиб юрар жанг».
«Агар илонларга солмасам қирон,
Бу ерлар дил тортар бўлолармиди?! —
Дея Шерга боқди тик Кирпитикон. —
Ўрмонга жон зоти йўлолармиди?!
Ҳаттоки сизни ҳам қиларди ғалвир
Упкага ёпишган зулуклар мисол.
Газандага шафқат керакми, ахир?!
Ахир, газанданинг қилмиши завол.
Қани, айтинглар-чи, азизлар, айтинг,
Ё сизга илонлар етказурми наф?»
«Йўқ, йўқ!» «Балли! Қайда йўлиқса, янчинг!»
«Турққинаси қурсин, ўрмон унга ҳайф!»
«Ана, кўрдингизми, бўлса-да кичик,
Илон кушандасин иши ҳам зўр иш.
Лозими йўқ чўпдан қилгандек ҳадик
Кирпиларга ҳадеб қайрайверманг тиш!..»

ИҒВОГАР БИЛАН ДЕВ

Иғвогар сербутоқ иғвоси билан
Одамлар таъбига пуркади тўзон.
Қўл-бўйнига охир солиниб кишан,
Тириклай кўмилди, қилинди гумдон.
Кўмилган ерда Дев яшарди шоҳдек,
Ғолиб қувгандек у қочди тўлиқиб.
Гумбирлаб кетди ер қулаган тоғдек
Йўлда шу дам Девга ўғли йўлиқиб:
«Отажон, нима гап?!»

«Суриштира, қоч!

Тинчгина кўнглингга солғуси ғулув!!»
«Қим?»

«Иғвогар. Э, бўл, қоч-қоч, бўлма гож!
Қочмасанг

умрингни қайчилайди у».

ЛАЙЛАК, БУРГУТ ВА ҚУЗҒУН

Бир тараф баланд тоғ, бир тараф тўқай.
Тарафлар пайваста қош каби туташ.
Яшарди осуда, тўкиб файзу қут
Тўқайда зўр Лайлак, тоғда зўр Бургут.
Ногоҳ бир-бирига отилиб ўқдай
Не ваядандир улар бошлашди кураш.

Лайлакка уядош Қузғун шу маҳал
Ўзин четга олиб, ўйнатди тилин:
«Кўрай-чи, қай бири бўларкин шаҳид,
Шунга қараб қулфга соламан калид».
Миқ этмай сўнгра у мисоли ҳайкал,
Тураверди ташлаб кўзининг қирин.

Оқибат Бургутдан енгилди Лайлак
Гардони узилиб, тўзиб патлари.
Қузғуннинг кўзлари ялтираб шу зум,
Шодон қағиллади ликиллатиб дум:
«Эй, қушлар сардори, зафар муборак!
Қойилмиз, яшиндек экан шаштлари!

Хўп бўлди, йитди у зуғумкаш, тубан,
Келди елкамизга офтоб тегар кун!
Мана энди сиздан инъому иззат,
Биздан эса сизга сидқидил хизмат».
«Ким шод ўз одамин фожиасидан,
Қилмас у ўзганинг бағрини бутун»,
Дея бўғзига чанг солди-да кулиб,
Олди Бургут унинг калласин юлиб.

Гоҳ ўнгидан келарди ов, гоҳо қуруқ.
 Қуруқ кунни бийрон тили эди дудуқ.
 Жон койитмай ризқини бут қилмоқ учун
 Тушди Қалхат кўнглига бир қора тугун:
 «Эй, хомкалла, яшаш йўлин бил-да, ахир,
 Лайлак ила Қўтон гўшти ботмончадир.
 Мой устида ўйнатмайсан нечун пичоқ,
 Икковининг орасига ташлаб нифоқ!
 Иккови ҳам кўл бўйида, сенга яқин,
 Иккови ҳам бир-бирига эмас қалин;
 Бир-бирига хурпайишиб қўйишар гоҳ...
 Икқилгайлар эвин топиб қазисанг чоҳ».
 Чимрилиб у пинҳона бир режа тузиб,
 Йўқ пайтида улар инин келди бузиб.
 Ёнди инин вайронавор кўргач Қўтон,
 Лайлак эса бамисоли бўлди тўфон.
 Бир-биридан гумонсираб улар, ҳай-ҳай,
 Бир-бирининг шаънига гўнг отди атай.
 Бора-бора ўрин қолмай сўқишувга,
 Ўтди улар ваҳшиёна сўқишувга.
 Дам унга-ю дам бунга чанг солди хатар.
 Авжга миниб қийқирувлар, тўзиб патлар.
 Чўзилдилар мункиб охир, сўниб саси
 Улимдан сал бери бўлиб иккаласи.
 Панадаги Қалхат шу дам урди қаҳ-қаҳ
 Олазарак кўзларида ўйнаб фараҳ.
 Сўнг келди-да, лик-лик ютди кўзин сузиб
 Жароҳатли ерларидан ширт-ширт узиб:
 «Ваҳ, мунча ҳам тотликкина, яна барра!
 Яйра, нафсим, ахир, бугун овим сара!»

ХУДБИНАР

Зиёфатдан қайтардилар кайфи тарақ
Тўлашиддин каптар ила Ултон бабақ.
Уйларига элтар сўқмоқ қолди ортда
Узлигини билгач сайри фароғатда...
Бир пайт кўриб қудуқ ичра улар ўзин,
Юқорига тирмашдилар мушук йўсин.
Аммо чиқса қайси бири сал юқори,
Пастдагисин ғужғон урди дил губори.
Сен тўхтаб тур, мен чиқайин, дебон улар,
Ваҳ, ажабо, бир-бирларин лойга булар!
Улар, ваҳ, ўз баҳорларин этурлар куз
Бир-бирларин пойларидан тортиб ҳануз.

ТОВУҚ БИЛАН ГОВМИШ

Ич-ичидан хўжасига айтиб олқиш
Терт ер эди охуридан тарғил Говмиш.
Катагидан чипор Товуқ қақолади,
Узини нақ кони гавҳар баҳолади.
Сўнг чиқ-а у хўроздайин тўкиб савлат,
Титкилади охурдаги тертни парт-парт.
Авжга мингач Товуқнинг терт титкилаши,
Думи билан селлди Говмиш келиб ғашн.
«Мен, ахир, вей, туғадирман ҳар кун тухум,
Менинг туққан тухумларим уюм-уюм!»
Миқ этмади Говмиш унинг бу гапига
Тегса ҳамки чиртиллаши асабига.
Товуқ баттар қақолади бўйнини чўзиб,
Қақолади кетгудайин пати тўзиб:
«Билиб қўй, вей, ким эканим элда доврўқ,
Дерлар, етти хазинанинг бири — товуқ.
Фаҳминг бўлса, етар эдинг қадримга сал,
Мол зотининг фаҳми йўқ-да ўзи азал».
Манманликни кўриб Товуқ қилиғида,
Говмишгина кулиб қўйди мийиғида.

ДАЙДИ ҲАНГИ

Булуғланди бўрсиллаган ернинг чанги
Қайта-қайта ағанагач дайди Ҳанги
Томорқада экинларни босиб, янчиб.
Хура кетди Ит бу ҳолдан ичи ачиб:
«Вов-вов, тўнка! Мунчалар ҳам ошдинг ҳаддан!!
Қуриганми ағанашга ўзга маскан!!»
Жилмагач у, Ит аламдан ўзин отди.
Тиш захридан дайди Ҳанги карнай тортди:
«Уҳ, дилозор!! Бўлганида шохим агар,
Санчар эдим қобирғангга мисли ханжар!»

ДАВОСИЗ ДАРД

Сунбула сувидек тиниқ кўнгилли
Қишлоқ оқсоқоли қулади бевақт;
Эчки учиргудек бўрон зарбидан
Қулади худди бир мевали дарахт.
Тумонат кифтида қалқди тобути
Кема қалқигандек тўлқинлар узра.
Бу ҳол Кўқилбойни солди ҳайратга,
Гўёки филни еб қўйгандек сичқон:
«Ажабо! Ажабо! Одамлар қизиқ!
Пахта қўйишарди тириклигида
Акахон, акахон, дейишиб доим.
Қаранг-а, фарздайин қилинаётир
Ушал хушомадлар ўлигига ҳам,
Кўрсатадигандек ўлиги карам!..»

ЕНГ ИЧИДА ДОН ЧУҚИШГАНЛАР

Судраб аста биққагина, тансиқ балиқни
Кирди Айиқ хузурига Урмон Мушуги:
«О, султоним! Бошим кўкда йўқловингиздан!
Интиқ эдим олгали бир суҳбатингизни,

Интиқ эдим бир зиёрат қилгали кўпдан.
Омадимга тасанноки, воҳ-воҳ, қаранг-а,
Тушми ё ўнг ё пешонам ярқирашими,
Турибман-а хонангизда кўришиб дийдор!»
«А-ҳа. — Лунжин қимтиб қўйди илжайиб Айиқ. —
Бу, дейман, хўш, ҳаддан жуда ошиб кетмишсиз,
Кўп жилғалар жондорларин бетинч этмишсиз;
Печаларни жойламишсиз қоринга ҳатто.
Қилмоқдалар кўп балиқлар арз устига арз.
Лойиқ жазо бермоқ менинг бўйнимдаги қарз».
«У, шунга ҳам арзу додми кўтариб уввос!
Қуруқликка сакраганин еяпман, холос.
Ўзгалар ҳам мен қатори кетмоқда илиб
Илиб кетган каби чумчуқ капалакларни».
«Дейдиларки, ёпиб бўлмас оини этак-ла.
Лек негадир келаётир сизни суягим,
Бошингизга ёгган қорни тезроқ курагим».
«Қарнайчидан бир пуф, дерлар, садағанг кетай,
Суясангиз, турармидик бармоқни сўриб.
Ахир, бор-да ҳар кимнинг ҳам ичмак-емаги.
Қарс иккала кўлдан чиқур, дейишади-ку».
«Болу новвот деган билан чучимас оғиз.
Буёғи, ҳимм, ўзингиздан берми қолар гап.
Ҳамирдан қил суғургандек ҳал бўлуи ишлар.
Фақат ҳар кун келиши шарт манави балиқ...»
«Келмаса гар солингиз шарт бўғзимга сиртмоқ».
«Унда-чи, бир роль ўйнайсиз бўлибон артист,
Яъни, инграб ярангизга сепилгандек туз,
Қабулимдан маймоқланиб чиқиб кетасиз.
Қасд этган ул бижилдоқлар гуврашиб шунда,
Ана, кўринг, жазоланмай қолмабди-ку, деб
Хохолашур бир-бирларин қитиқлагандек.
Шу билан, денг, қор ёғилиб босилади из.
Менга эса дилларида қолмайди шубҳа».
Шундай қилиб, бажарилди Айиқ режаси.
Шундан бери семиз балиқ келар кечаси.

Ф О Ж И А

Илиниб қолди, ваҳ, оёқларидан
Дехқон ҳовлисидек ёймага Лайлак.
Ёйма эгасими, шу лаҳза, шу он
Кўз қисиб тишида чаққандек давак
Кўтарди юлғунлар орасидан бош:
«А-ҳа, кўринарди бу жондор гоҳ-гоҳ
Минорада, чинор бутуқларида.
Чамамда гурракдан сал тикроқ эди,
Келишган эди хўп зарғалдоқ мисол.
Ў-ҳў, қара энди, бай-бай, тумшуғи
Тандир косовининг ўзгинаси-я.
Вой-бў, қанотлари бунчаям узун,
Худди икки бойлам қамиш-а, қамиш!
Оёқлари-чи, фу, бир тос хамирга
Суқиб қўйилгандек бир жуфт ўқлоғи.
Вой-вой, бесўнақай бўлмаса бунча,
На сигар қўйинга, на тўрқовоққа!
Хўш... Энди буви бир ихчамлаштириб,
Қушми, киритайин кушляк тусига.
Кўрганлар кўркига бақа бўлишиб,
Ўхшабди, десинлар, жаннат қушига».
Қирқ газли қиличдек қанотлар бир-бир
Юлинди, кертилди ўтмас пичоқда.
Қиндаги ханжардек тумшуғи эса
Самбитнинг шохидек кесилди шартта.
Дуч келган еридан чилпий-чилпий у,
Маҳрум этгач ҳатто тирноқларидан,
Табассум югурди заҳил бетига
Улкан ғалабага қўшгандек улуш:
«Бўлдинг энди, мана, о, қушмисан, қуш!»

И Л И Н Ж

Тилда дўстонадир, дилдан ёвуздир;
Газакли ярангга босгани муздир.
Билмадим, адолат йўлини тутмоқ
Ипоқлар наздида балки номусдир.
Элда бир масал бөр, тинглагил, ўртоқ,
Кимгадир ҳикмат у, кимгадир таёқ.

* * *

Мушук ялтоқланди бемор Урдакка:
«Илон чақмадимми мабодо, иним?»

Ахир,

Илдизин қурт қийган гулдек сўляпсиз.
Бююринг, не лозим,
этгум муҳайё!

Кеч бўлур

кўз юмиб қолсангиз ногоҳ»...
«Эчки жон ғамида, қассоб эса ёғ.
Даф бўлсанг эртароқ қолгумдир тирик».

МАИ ВА ТОҚ

Май касридан кўплар кўрдилар шикаст.
Мисли талагандек итлар галаси,
Кўрганда турқидан ҳурқди одамзод.
Қурт мисол кемтиб нақ танларини дард,
Ҳайҳоғ,

Бора-бора ажраб ҳамдамларидан,
Ногоҳ тирналгандек товон яраси
Ўкрадилар охир аламларидан.
Бу ҳолни англаган йўғон зангли Ток,
Билмам, ўзгалардан қилдими ҳаё,

Силкиниб-силкиниб йиғлади юм-юм:
«Аҳ, менинг ноқобил шарбатим!! Афсус!!
Билсайдим бу қадар қутиришингни
Шўралигингдаёқ ўгирардим юз.
Кўрмасдим зил кетиб,
 кўрмасдим асло
Азиз инсон умрин ўпиришингни!!»

Ю З М А-Ю З

Қоплон баландликдан йўналди пастига
Олиб мўлжалига қўйлар қўрасин.
Етгач паналаниб буталараро,
Наҳрадан ўзини отди ичкари.
Отдию Буқага бўлди рўпара,
Буқаки, ёввойи филдек жангари.
Қоплонга дафъатан калла уриб у,
Найзавор шохларин санчди кўксига:
«Мана босқинчилик! Мана ваҳшійлик!!
Гўллик — сен аблаҳдан кутмак яхшилик!»

НОРТОЙ

Бўтана булутдек қайнаб,
қутириб
ҳавога ўрлади ногоҳ
тутун қуюни.
Дераза ёнида ўлтирган Нортой
кўрдию уни,
телефонга отилди инграб
товонига киргандек чўгир:
«Алё! Алё!! Ут ўчирув командасими?!

О, қиёмат бўлаётир,
ёнаётир,

алаиғаси фалакда!!

А?!

Теракзор маҳалласин гузаридаги

ферузарианг, кўркем иморат!

Илтимос, тезроқ!

Кутаётир тумонат...»

Кўп ўтмай етиб келдилар

афсонавий денгиз ҳоқовин

жанговар навкарларидек

темир дубулғали, али азаматлар.

Бироқ

фалокатдан асар йўқ,

ўт тушди дейилган маскан осуда.

Фақат

шул бино орт томонида

ёнаяти гоҳ бурқсиб, гоҳо гуриллаб

дарахтлардан буталган жиққа хўл шоҳлар.

Савол назарида

бир-бирнга мўлтайишиб дубулғалилар

турдилар беш-ўн дақиқа.

Сўнг қайтдилар сўкинишиб,

нигоҳларидан ёғилиб нафрат.

* * *

Алжирлар

чумолига фил тўнини кийдиришиб;

ҳар қатми

гавҳарга тенг умр толаларин

бешафқат ғажирлар

пўлат чакак жарчилар,

ваҳимачилар.

Эҳ! Булар қуролсиз бўлса-да ёвдир,

тирноқ орасига кирган ғаровдир.

МУШУКНИНГ АЛАМИ

Зўр-зўр юмушлари,
залворли улушлари
қадрланиб кашфиётдек,
ёрлиқ берилди Филга
байрамона чалдирилиб карнайлар.
Пойгакда ўтирган Мушукка бу ҳол
туюлиб тиканак,
миёвлади норизо
оғзидан ўлжасини
тортиб олгандек биров:
«Бўлганида сал инсоф,
бизга ҳам ўнг кўзда қаралар эди;
кўп йиллик хизматларимиз
чиқар эди юзага.

Афсус,
ёрлиқларни
илиб кетишар доим
кимларгадир томирдошлар,
кўзу қошлар,
гоҳо
оши ёғлиқлар...»

«Бас! —
Бир тепти гижиниб Жийрон. —
Фил ҳар он эл етагида, эл хизматида;
сендақа ўз қорнин югурдагимас!»

ДАРЕ БИЛАН БОТҚОҚ

(Мазмун С. Михалковдан)

Тоғлар оғушида туғилган Дарё
шоввадек жўш уриб,
метин қояларга тўш уриб,

ёвни қуваётган довюрак марддек
чопарди олға,
оқарди сочиб зарралар.

Йўлида

димоғни ёрғудек бижғирди Ботқоқ.
Неча йилки, Дарё —

чашмадек тиниқ,
шиддаткор оқим
ювиб,
емириб тошқин чоғлари

бузар эди унинг ҳаловатини.

Бу ҳол қўзитибми жазавасини,
қонхўр чибинлардек урчиб ғарази,
биқирларди тўлиб-тўлиқиб Ботқоқ:
«Шарт,

шартдир

бу телба оқимни бўғмоқ!

Аммо

турналар ўтдилар неча бор уён,
неча бор буён,

бўғмоққа қудратим етмайди ҳануз.

Бўғолмасам ҳам,

зимдан булғаяпман,

оғулаяпман

оқизиб марази микробларимни;

ҳа,

қилаётирман узлуксиз ҳужум,

беряпман зарба!..»

Оқма яранинг

йирингидек тинмай,

тугалмай асло

Ботқоқ балчиқлари,

ўрмалашар худди қорақуртлардек,

қилишар хуруж

мусаффо Дарёга ҳар дам,

ҳар лаҳза.

Дарёнинг

шиддаткор оқими эса
уларни бир ҳамла билан
кетадир суриб,
супириб.

Йиқилган курашга тўймас, дегандек,
биқирлар ҳамон
ачиб ва кўпчиб
.баднийат Ботқоқ.

* * *

Синфий ёв маҳв этмоқ қасдида доим
чатнар, дўлар.

Дерларким,

ит ҳурар, ўгадир карвон.

Қадамларни шаҳдам ташланг,

ҳа,

ҳа,

ҳа!

Яна ҳам, яна ҳам шаҳдам, жўралар!

Қ А Й Ғ У

Ҳансираб еларди Оҳу
жаллод қўлидан қочган маҳбусдек
қараб-қараб сртига.

Кўриб қолиб Товушқон,
чийиллади

чангал солгандек бургут:

«Э-ҳей,

не ташвиш?

Йиртқичлар яна қайрадимиз тиш?»

«О, биродар,

улардан минг бер баттари!

Қасоси бордек қийратди,

ер тишлатди нечаларни, воҳ!
Бу ҳолга олисдан ногоҳ
тушдию кўзим,
қочдим
оёғимни олиб қўлимга.
Эҳтимол
олгандир мўлжалига.
Ҳай, анқайма,
қоч
ё бекин ернинг қаърига!
Назаримда худди
келаётир қувиб изимдан
милтиқ кўтарган ул
тошюрак ваҳший!..»

Қ О Б О Н

Фаҳмимиз кўзига ғубор қўниб гоҳ,
кабутар бўлибон кўринади зоғ.

* * *

Югуриб борарди очиққан Қобон,
ориқ тан Қобон.
Чакидан намиққан лой сувоқ шифтдек
тушиб кетди у
ўт босган чоҳга тўсатдан.
Барча уринишлар кетиб ҳайф,
ҳатто
иш бермай чархланган пичоқдек тишлар,
хасмол чиққан бармоқ сингари
зириллади чайир туёқлар.
Оқибат
бижғиб юрагида эрклиларга кек,
чўзилди инграб

сўйилда беаёв савалангандек.

Баногоҳ

тушиб қолиб унга
Йўловчи назари,
қалқди кўзларида ҳалқа-халқа ёш
кўргандек
мушук чангалида сайроқи қушни.
Ташлай-ташлай тошу
ўту ўланлар,

охири

чоҳ қаъридан уни чиқарди тирик.

Бироқ

турқидан томчилаб оғу,
эҳтимол қассобдир, дея хаёлан,
ҳалоскорига
шахт

ташланди Қобон.

Белагач қонига уни,
тимдалаб бағрини аллақандай хавф,
келган тарафига қочди чийиллаб
ортидан қувгандек баҳайбат йўлбарс.

БАХИЛ БЕМОР

(С. Михалковдан)

«О, биродаргинам, саломлар бўлсин!
Ўзлари ҳам, а-ҳа,
келдиларми дейман шифоланмакка?»

«Сўраманг, афандим Петров!

Мен сизга айтсам,

бу ернинг тартиботини

жин урибди, жин!

Езсамми арзнома устиларидан,
питирлагайлар нақ бурга чаққандек!

Ҳа-ҳа, кўрсатурман ҳали уларга!!

Ахир,

махсус одамларми, билолмай догман,
айрим беморларга

шу қадарки меҳру ардоқ, илтифот,
таъблари на тилар,

шу зум муҳайё!

Қошларида турфа ранг дорилару
қоринлари узра жонга жон грелка!

Ҳуш кайф бахш этгувчи соз ванналару

енгил қўл уқаловчилар,

қараи-а,

шуларнинг хизматида-я!!

Шуларга

парҳез таомларнинг там-тамлари ҳам!

Етмагандек шунча парвонаворлик,

ҳатто уқолга ҳам олиб боришар

аста қўлтиқлашиб, аста суяшиб.

Мени эса, э-воҳ, қилмасми алам,

жойлашиб ликилдоқ бир ўриндиққа,

бот-бот тебранишга ундарлар ҳар дам

чекишимни ҳатто тақиқлаб мутлақ.

Ахир, бу эмасми ўта ўғайлик,

ўта бир бемаъни ўзбошимчалик?!»

* * *

Кўппак оғзида гар кўрса у сўнгак,
тамшангай лабидан томчилаб сўлак.

«ФАРОСАТЛИ» ҚУЕВ

Саргарош Хўжахон қайлиқли бўлди,
қайлиқки,

Кун чиқмай узилган қовундек таранг;

«Ўрки —

кўнгилларга қўйилган тузок.

Бўлсин, деб, хотиним яна ҳам қўҳлик,
калга дум қилди у қулоч сочини;
этилиб пайваста қошлар игнадек,
моматалоқланди бодом қовоқлар...

Бир қошиқ сув билан ютилар пари
бўлди-қолди пати юлинган каклик.

Тебранди Хўжахон, тебранди мамвун
тўйиб симиргандек анор шарбатин:

«У-ў, жоним, очилиб кетдинг чунонам,
ҳаммомдан чиқибоқ ичгандек шароб.

Қамашар кўрганнинг кўзи ҳуснингдан,
ҳуснинг чўғи этар жигарин кабоб».

УЛЖАХУРНИНГ УЛИМИ

Сув айғири янглиғ ҳайбатли Айиқ
подага ташланиб турарди бот-бот.

Силкитди бу ҳол
туёқлилар қалбин зилзила мисол.

Ахир,

эҳтимолдан ҳоли эмас қайнаши
увол кетган неча қурбонлар каби
нақ бўғизларида қип-қизил булоқ.

Ҳаёлга толдилар не-не довлари,

ёвга ёвлари.

Оқибат

Айиқнинг қораси кўрингач ногоҳ,
Ола зарбдор билан Қўнғир найзавор
этгандек обрўли меҳмонни эъзоз

чиқдилар пешвоз.

«О, полвон, — дея гап бошлади Ола, —

манов буқа — анов поданинг бийи,

мен эсам — беригисининг.

У пода буёққа, бу пода уёққа ўрлар,
бир-бирин суришар талашиб яйлов.
Гуриллаб адоват ўти орада,
жизғинак этди, эҳ, нечалар умрин.
Иўқ дема,

ўртадан тортибми чизиқ,
холисанилло

белгилаб бер аниқ чегарамизни.
Бергаймиз,

хизматинг эвазига ол,

луқмаи ҳалол,

ҳар икки тарафдан биттадан бузоқ».
Хуш келиб Айиққа лўнда бу таклиф,
тирнай кетди ерни селгали нишон.

Шу палла

Ола зарбдор билан Қўнғир найзавор
кўз қисишиб зимдан урдилар калла.
Икки биқинидан санчилиб шохлар,
тўлгангандек туя сўйилар чоғи
тўлғана-тўлғана тош қотди Айиқ.

МАЛЛА ТҮН

Малла тўн Мушукнинг эгаси ўлди,
босди кўзларини мангулик уйқу.
Силқиб юраклардан, силқиб кўзлардан
ёйди кулбасига қанотин қайғу.
Мушук, денг, шу маҳал ликиллатди дум
қайдандир афтига қўниб табассум.
Бундан ажабланган огилдаги Той
узгудек занжирин силтанди кишнаб:
«Ҳамма мотамда-я, дийдаларда сел.
Сен нечук шодонсан қилгандек байрам?!»
Ювошгина кулди Мушук ёйилиб:
«Мотамми ёки тўй, бизга барибир,
биз учун нажир.

Тўю ўлим бўлиб турмаса тез-тез,
қўмсаб қоламиз
сувсиз экинзор сув қўмсаганидек.
Ахир, вей, ҳузур-да гўшту ёғу без».

* * *

Сут ичмас, бузоқнинг ҳаққи бор, дебон
сирти мусичаваш домла-имомлар.
Боқсам кўнгилларин туйнукларидан,
кўринур ҳар он
кўнгил айнитгудек, димоғ ёргудек
зоғлару биқсиган итлар мурдаси.

АЖАЛ ТОЛАЛАРИ

Зарпечакнинг қилдек нозик толалари
Чилонжийда шохларида бўлди пайдо
Кун ботар чоғ
мирзатерак учларига инган нурдек.
Майин еллар эпкинида шивирлади,
шивирлади куйлагандек Чилонжийда
бу толалар халқаларин
тақинчоққа ўч келиндек билиб зийнат.
Бу толалар аста-аста отиб палак,
аста-аста сувин сўриб зулук мисол,
бора-бора
аста сиқа бошладилар пўлат симдек.
Ҳансиради охир сўлиб Чилонжийда
пўсти шилиб ташлангандек танасидан:
«Эҳ, эҳ! Единг!!
Экансан, эҳ, бўғзимга сен тушган сиртмоқ...»

* * *

Зарпечак не, эрк ёви не, бари — бир гўр;
иккови — жон томирига тортилган қўр.

АРОСАТДА

Ҳайвонлару қушлар аро
Бўлур эди кўп можаро.
Гоҳо қушлар кўрса жабр,
Гоҳ ҳайвонлар ерди таъзир.
Қўймайлик, деб, низодан из,
Ўтказдилар катта мажлис.
Мажлисида кўп бўлди гаплар,
Ўтдек ёнди кўп асаблар.
Охири бир калладор қуш
Деди аста боқибон хуш:
«Доно, оқил ҳам довюрак,
Элпарвар бир бошлиқ кёрак!..»
Ҳайвонлар: «Шер бўлсин, — деди, —
Билур у иш кўзин», деди.
Қушлар эса феъли айнаб,
Чуғурлашди сутдек қайнаб,
«Бургут бўлсин! Бургут лойиқ!
Йўқ унга тенг, ундан ортиқ!
Унга бирдек фазою ер,
Учолмагай фазога Шер».
Ҳайвонларнинг учди лаби,
Хираланди тиниқ таъби.
Нафас ўтмай кўзиб жанжал,
Нечаларин олди ажал.
Шўрлик қушлар чопмай бахти,
Чекиндилар тўзғиб пати.
Чекиндилар йиғғали куч,
Ўч олмакни англашиб бурч.
Қаёқдандир бўлиб пайдо:
«О, тасанно! Баракалло!»
Дея шу пайт чалди чапак,
Қаҳ-қаҳ уриб Кўршапалак.
«И-е! Қушлар бўлса забун,

Ажабo, сен шодсан нечун?!
Ахир, қушлар зотидансан,
Жўна

шулар ортидан сан!»
«Бўлган билан қанотларим,
Қуш бўлганмас авлодларим.
Ухшасам-да қушларга сал,
Сизлар каби мен ҳар маҳал
Тутиб ушбу эмчагимни,
Эмизгайман гўдагимни.
Айтинг, қушлар берурми сут?!
Жавоб беринг тортмай сукут!..»
Ҳайвонлар сўнг қилмай сўроқ,
Узларига этди ўртоқ.
Кўп ўтмайин, қушлар бирдан
Босиб келди ўру қирдан.
Қоплагандек кўкни булут
Қанот қоқди жасур Бургут.
Ҳайвонлар дум қисиб шу зум
Қайларгадир бўлдилар гум.
«Яшанг, дўстлар, баҳодирлар,
Йўқолди хавф-хавотирлар!»
Дея шу пайт уриб қарсак.
Уйин тушди Кўршапалак.
Қушлар уни кўрдилару
Кўтардилар бирдан гулув:
«Э, мияси мажақлангур,
Тур, йўқол, тур! Оломон, ур!»
«Оҳ, жўралар, ўйланг бир оз,
Мен ҳам сиздек қилгум парвоз.
Айтинглар-чи, қайси ҳайвон,
Қим кўрибди, учган қачон?!
Бўлсам-да мен сал кўримсиз,
Зотим қуш, сиз уруғимсиз».
«Уруғимиз бўлсанг агар,
Жанг чоғида ўтган сафар

Ёв томонга ўтмас эдинг,
Ёвдан омад кутмас эдинг».
«Отаверманг тухмат тошин,
Ким хўрлар ўз қариндошин?!»
«Ёлгончисан, алдоқчисан,
Қуш бўлсанг-да, айғоқчисан!»
Жигарига сепилиб туз,
Қабоғидан ёғилиб муз,
Қочди,

ўтди қиру сойдан.
Чакалак бир пастқам жойдан
Ҳайвонларни топди охир.
Ичин тириаб хавф-хавотир,
Лаб-лунжида бодраб учуқ,
Саломини қилди қуюқ.
Аммо мижғиб ташлагудек
Ғалва қилиб дилида кек
Ўқирдилар улар бирдан
Ҳам ғазаб, ҳам зил дард билан:
«Бахт қўнганда бошимизга,
Шерик бўлдинг ошимизга.
Қушлар қўли келгач баланд,
Дард устига сен бўлиб дард,
Бўлиб кетдинг улар тараф.
Шул тарафга йўқол, бўл даф!!»
Бўлиб мисли ўлган палак,
Даф бўлди ў куйиб юзи.
Шундан бери Қўршапалак
Қўринмайди ҳеч кундузи.

БАЛОЙИ НАФС

Жигилдон бандаларин найрангларидан
ғазаби довулдайин қутирган Эшон
қақшади

тутгандек безгак:

«Эй, эгам!

Рўй берса неки гуноҳ рўйи заминда,
бойси —

ҳароми Шайтон!

Мўминлар имонини

сусайтирган шу!!

Шу бало жадал

тонмаса ажал,

бора-бора

ҳаёт

булганур мутлақ.

Лаънатини тутмакка тезроқ

ўзинг бер кушод,

бўғзига тортай тигим молдек бўкиртиб...»

Қайрай-қайрай пичоғин, Эшон,

тушди йўлга

мўлжалга олган мисол ўлжасин йиртқич.

Изгий-изгий у

хилват бир чакалакка етган чоғида,

билмам,

кимсасизлик ваҳимасими,

жунжиди эти.

Шу пайт

лоп этиб қоронғида ёнгандек олов

пайдо бўлди тўсатдан

оқ серка етаклаган малла тўн одам.

Эшонга ер тағидан ташлади-да кўз:

«Йўл бўлсин, тақсир?»

Дей қотди сўз.

«Э, дарвеш,

Шайтонни излай-излай куну тун бедор,

анордек эзилибён кетди жигарим...»

«И-е, хўш,

не ишингиз бэр эди унда?»

Ҳозир у
рўнарангизда».

«А-ҳал!»

Эшоннинг ҳар бир мўйи бўлди-да тикка,
ташланди унга
жўжага ташлангандек осмондан калхат.

Шу зум Шайтонни
чалқа йиқиб у,
чанг солди энгагига сўймак қасдида.
Ғафлатда қолган Шайтон

мўлтайди ихраб:

«Бас, тўкма қон!

Эвазига ол
ҳар кун эрталаб
тўшагинг тагидан нақд
бир ҳовуч тилла...»

Нафс ҳукми имонидан келдими устув,
Эшон бетида

чарақлади табассум:

«Эгик бош қилични ҳам қайтарур, дерлар.

Қани, кўрай кароматингни.

Билиб қўй,

қилсанг агар туямижозлик,
сапчадек узилгувси мана шу калланг!»
Эшоннинг чангалидан бўшалгач Шайтон,
бўлди турган жойида ғойиб.

Эртаси уйқусидан кўз оч-а Эшон,
кўтарсаки тўшагини аста,
лаҳча чўғдек ловуллаяпти
бир ҳовуч олтин!

Очилиб кетди Эшон назарида нақ
толенинг тилсимланган катта эшиги.
Хўрозлар қичқиргандек ҳар саҳар, ҳар тонг,
қайталанди бу ҳол ҳар куни.

Вилоят қозисидек йўл тутиб Эшон,

кумушдан бўлиб кетди итин туваги.
Ташмалаб бория,
қашлашга тирноғими қолмагач Шайтон,
шаргта
узди қадамин.
Қўзитди бу ҳол, воҳ-воҳ, Эшон аламин;
миясига

урди қон

хаёлига

жаҳолатнинг қузғуни қўниб.

Қидира кетди уни бетоқатланиб

ўқраси гивирлаган асов новвосдек.

Ҳар томон югуриб хўб,

охири

ўқлоғи бўлиб ҳар бир бўйин томири,

қоплади кўз ўнгини қопқора парда.

Ларзаланиб ер,

ҳавога илон янглиғ ўралиб қуюн,

Эшоннинг қаршисида

шу нафас бўлди Шайтон намоён.

Бир-бирин ютгудайин отилишиб шахт,

жангари кўппаклардек чайнашиб кетди.

Оқибат

каловланиб қулади Эшон

боғланмай бўғизланган туя сингари.

Шу лаҳза Шайтон

унинг ўз тиғи билан кўксини ёриб,

юлқиб олди-да

уриб турган

юрагин,

боқиб уккидек

чайқади калла:

«Эҳ, порага қул,

худоси пул,

булганч қалб!

Догман,

нафратим тоғ-тоғ

чашмадек тиниқ билиб сен ярамасни,
каромаг кутганларга,
баш узра тутганларга!..»

ТУЛАН ҚАРНАЙ

Тўлан карнай отарда хўб юриб ови,
Сотиб олди янги жейдан янги ҳовли.
Қўп ўтмайин дилида боз порлаб офтоб,
Фурури жўш урди ичган каби шароб.
Ахир, ўғил кўрди беш қиз кетидан, о,
Назарида қутлади нақ еру само.
Кўрсатгали қўшниларга ўзини у,
Тўкма берди баланд тутиб кўксини у.
Тўлмагандек бўлди бунга кўнгли чандон.
Етгай, ахир, қўлини у чўзса қаён.
Ичи пишиб, бўлсин, дея, дастурхон чош,
Сўқим сўйди, тортди наҳор қазили ош.
Очиқ қўллик хуш келгандек худога ҳам
Деяр бўлди ейимсоқлар: «Тўрам-тўрам...»
Қай куни тун недандир у тушди чўчиб.
Шундан кейин уйқуси, эҳ, кетди ўчиб.
Уён ташлаб, буён ташлаб зил калласин,
Кўз ўнгидан ўткарди у маҳалласин.
Қай бири дўст, қай бири ёв, билсин қайдан!
Синаш керак. Қамчини бос, пайти айнан!
Шошилиб нақ уйига ўт кетган каби
Ланг очилиб кетди бирдан жағ-чақаги:
«Э-ҳей, ким бор, ёрдам беринг!! Уғри, ўғри!!»
Кириб қолди қўйхонага гўё бўри.
А-ҳа, ушланг, дея бир-бир қоплон йўсин
Деворидан қўшнилари отди ўзин.

Кўрсаларки, муртин сийпаб турар Тўлан
Жайрон отиб келган каби овчи чўлдан:
«Бир синагим келиб қолди сизни, дўстлар.
Дўст дўстига шундай ёрдам қўлин чўзар.
Балли, афзал экансизлар жигардан ҳам!
Сизлар борки, ҳар дақиқам эрур байрам.
Қани, қани, ўлтиринглар, дамласин чой!
Бўшашма, ҳой, ўзингни тут, хотинжон, ҳой!»
Қўшнилари дам кулишиб, дам қизишиб,
Тарқалишди бир-бирига кўз қисишиб.
Уч-тўрт ҳафта ўтар-ўтмай, ярим оқшом
Ўғри тушди, чиндан ўғри тешибон том.
Тўлангина тура солиб, қолиб ровон,
Деразадан шаҳд сакради кўча томон:
«Э-ҳей, ким бор!!! Ўғри, ўғри!!!» Бироқ, бироқ
Қани энди бирон қўшни қоқса қулоқ!
Қилаётир анов кунги қилигин, деб
Қимирлашни ўзларига кўрмади эп.
Ўғри эса урди молин сарагини.
Қолаверди Тўлан чалиб чапагини.

ДАҲМАЗА

Ҳаволанди бўлиб олгач Шораҳим
Тошдан ҳайкал ясовчилар қаттаси:
«Мана энди ҳамма ишга бор даҳлим;
Финг деса ким, қўлга тегар паттаси...»
Кўп ўтмайин, енг шимариб қолди у
Миясига ўрлаб шуҳрат ҳаваси;
Не-не тошга тер тўкиб у, бўлди сув,
Ҳалқумига тиқилиб хўп нафаси.
Аммо, аммо жонланмади бирон тош,
Жонланмади унда инсон сиймоси.
Кўз чиқарди гўё қўйгум дебон қош,
Хайф кетди, воҳ, тошларнинг нақ тиллоси.

Шундан кейин тутиб шайтон йўригин,
Чақирди у айримларни ҳашарга.
Бора-бора ташлаб мутлақ ўлигин,
Эришмакчи бўлди ҳатто зафарга.
Давом этди, давом этди бу қилмиш
Юмшоқ кўнгил усталарга бўлиб юк.
Гижирилатса алаmidан кимки тиш,
Хурпайди у товуқ каби бўлиб курк.
Дил шишаси неча ердан кетгач дарз,
Туголмади ўзин уста Асилбек:
«Милтиқ таққан билан ҳамма овчимас,
Саржинчилар аталмас ҳеч қассоб деб.
Дерлар, хачир хачирлигин олмай тан,
Елдек учқур от атагай ўзини.
Мақол борким, э-ҳей, эгри ёғочдан
Чиқмагай ҳеч саз иморат тўсини...»

Б Е К

Ут тушган ўрмондек ёнибми бағри,
Ёгилиб турқидан нақ илон захри,
Чўкди курсига Бек буриштириб афт,
Оғриқ пуркагандек ичагига дард.
Унинг заҳаланган руҳин кўрдию
Чой дамлаб кирди бот Қотибабону:
«Нима гап, хўжайин, хафароқсиз сал?»
«Э, сингил, пичоқсиз сўйди Раҳим кал.
Урнидан тур-а, ў-ў, жиртиллай кетди,
Эзиб хом ярамни қалампир сепди!!
Гўё мен ходадек гўдайганмишман,
Ҳақ гапни айтганга дўлайганмишман.
Ишчилар арзига қулоғим кармиш,
Димоғим фалакка ўрлаган шармиш.
Занг босган эмиш-а фаҳмимни, э-воҳ,
Босгани сингари кўзларимни ёғ!!

Буни қаранг-а, эҳ, не кунки, ҳайҳот,
Эмиш пуч данакдек мендаги савод!!
Не кунки, ўз ишчинг титкилаб кўстинг,
Борми, демаса-я, юзингда кўзинг!!
Мен, ахир, раҳбарман, кўпчиликка бош!
Отди чунонам, эҳ, обрўйимга тош!!
Мен ҳали унга бир кўрсатиб қўйгум,
Юргай сўнг миқ этмай тишлагандек мум».
«Сизни билмаса ким, кўр бўлади, кўр;
Сиз баланд тоғдирсиз, улар эса ўр».
Дея кўзларини сузди-да бир қур,
Чикди суйгули у сингил қурмагур.
Бек баттар чайқалди ўтиролмаи тек,
Кўнглига ғумайдек илдиз отиб кек.

* * *

Тўғри гап ёқмайди туққаниннга ҳам,
Евлашар қутириб кўнглида алам.

МУНДАРИЖА

Жонкуяр	3
Кўргулик	3
Меҳрибон қотил	5
Керилган кўчага сизмас	5
Кўрнамак	6
Кўш оёқли бўрилар	7
Ихтиёрий жабр	8
Косиб ва Дўкондор (<i>Жан де Лафонтендан</i>)	9
Нодоннинг қисмати	11
Маккорга макр	12
Олапар ва Қашқир	13
Эшак ва Туя	14
Така ила Бўри (<i>Аванес Исаакяндан</i>)	15
Ғаройиб ҳол	16
Укки билан Қуён	17
Капалак (<i>Ҳикмат Зиёдан</i>)	17
Кайфиддин	18
Шафтоли	18
Валақи Тил	19
Бароқжон ва Қундузой	19
Мутелик	20
Умр	21
Маймун билан Мушук	22
Ҳадик	23
Шароб	24
Бўлмаганга бўлишма	24
Чатоқ	25
Балиқ бошидан	26
Давлат	26
Дард	28
Алам	28
Қобиқлардаги қуртлар	28
Қайиқчи билан Уғри	29
Баттол	30
Ғараз	30
Бачкиларнинг айюҳанноси	31

Нортўра	31
Хўкизлар ҳамда арава Уқи (<i>Эзондан</i>)	32
Найнов ила Пакана	33
Паишчалар	33
Чибин ила Буқа	34
Бола ила Уткинчи	34
Шербону ҳам Тулкинисо	34
Эшак ила Ит	35
Турна ила Товус	35
Антиқа Овчи	36
Қашиқир ҳамда Чўпонлар	36
Қарға ва Тулки (<i>Лессингдан</i>)	36
Юмрон билан Мушук	37
Бировнинг ютуғи (<i>Мкртич Корюндан</i>)	38
Мушук билан Қаптар	38
Тўнғиз табиат	39
Шер билан Кирпитикон	40
Иғвогар билан Дев	41
Лайлак, Бургут ва Қузғун	42
Евуз	43
Худбинлар	44
Товуқ билан Говмиш	44
Дайди Ҳанги	45
Давосиз дард	45
Енг ичида дон чўқишганлар	45
Фожиа	47
Илинж	48
Май ва Ток	48
Юзма-юз	49
Нортой	49
Мушукнинг алами	51
Дарё билан Ботқоқ	51
Қайғу	53
Қобон	54
Бахил бемор (<i>Сергей Михалковдан</i>)	55
«Фаросатли» куёв	56
Ўлжахўрнинг ўлими	57
Малла тўн	58
Ажал толалари	59
Аросатда	60
Балойи нафс	62
Тўлан карнай	66
Даҳмаза	67
Бек	68

Литературно-художественное издание

Ямин Курбан (Курбанов)

СВЯЗКА ПЕРЦОВ

Басни

Художник А. Камбаров

Сборник издан за счет экономии бумаги

Ташкент,

Издательство литературы и искусства
им. Гафура Гуляма

На узбекском языке

Адабий-бадний нашр

Ямин Курбан (Курбанов)

БИР ШОДА ҚАЛАМПИР

Масаллар

Китоб иқтисод қилинган қоғоз ҳисобидан босилди

Редактор А. Шаропов

Расмлар редактори А. Мамажонов

Техн. редактор Р. Рахматуллина

Корректор С. Тоҳирова

ИБ № 4227

Босмахонага берилди 25. 05. 88. Босишга рухсат этилди 30. 08. 88.
Р—14776. Формати 70x90 1/32. Босмахона қоғози № 2. Адабий
гарнитура. Юқори босма. Шартли босма л. 2,63. Шартли
кр.-оттиск 2,77. Нашр л. 3,14. Тиражи 10000. Заказ № 92.
Баҳеси 35 т. Шартнома 89—88.

Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Таш-
кент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси иш-
лари Давлат комитетининг Беқобод шаҳар босмахонаси.